**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

АЗИЗБЕК НАЗАРОВ

ТУРКИСТОНДА ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН ИЛМИЙ ЖАМИЯТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИДАГИ ФОНДЛАРИ

ТОШКЕНТ
«O‘ZKITOBSAVDONASHRIYOTI»
2021

УДК
КБК

Масъул муҳаррир:
З.А. Саидбобоев – тарих фанлари номзоди, профессор.

Тақризчилар:
А.О. Алиев – Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директорининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси, ахборот хизмати раҳбари.
Ш.Ш. Чориев – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Мазкур рисола Россия империяси мустамлакачилик даврида Туркистонда фаолият юритган илмий жамиятларнинг тарихи ва фаолияти натижасида вужудга келган архив ҳужжатларини тадқиқ этишга бағишланган. Рисолада Ўзбекистон Миллий архивида сақланувчи бешта илмий жамиятнинг фондлари тавсифи келтирилган.

Рисола тарихчи олимлар, архивчи мутахассислар, ОТМлар тарих факультетлари талабалари ва Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Рисола нашрга Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Тарих Факультети Кенгаши томонидан тавсия этилган. (5-сонли 05.02.2021 даги баённома).

ISBN

МУНДАРИЖА

КИРИШ 4

I. ТУРКИСТОНДА ИЛМИЙ ЖАМИЯТЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ 8

II. ТУРКИСТОН ИЛМИЙ ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ЎЗМАДАГИ ФОНДЛАРИ ТАВСИФИ 21

III. ҲУЖЖАТЛАР ТАСНИФИ, ТУРЛАРИ ВА ҲОЛАТИ 30

ХУЛОСА 36

ФОЙДАЛАНИЛГАН АРХИВ ФОНДЛАРИ ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 39

ИЛОВАЛАР 42

КИРИШ

Мамлакатимизда тарих фанини ривожлантиришда архившунослик, архив манбашунослиги, манбашунослик соҳаларини такомиллаштириш ишларига эътибор кучайтирилиб, бу борада ҳужжатларнинг тарихий манбавий аҳамиятини ошириш, тарихий ҳужжатларнинг рақамли нусхаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида белгиланган "илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш"[1] вазифаси архив фаолиятига янги технологияларни татбиқ этиш, Ўзбекистон тарихини ўрганишда бирламчи архив манбаларига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги Қонуни (2010), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сонли «Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2008 йил 26 августдаги 194-сонли «Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2012 йил 5 апрелдаги 101-сонли «Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги 5834-сонли "Ўзбекистон республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги 4463-сонли "Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги фаолиятини такомиллаштириш

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1 иловасида келтирилган "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантирйиғмажилднинг бешта устувор йўналйиғмажилди бўйича Ҳаракатлар стратегияси"// URL: http://strategy.regulation.gov.uz

тўғрисида” ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174-сонли “Архив иши ва иш юритиш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174-сонли “Архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 августдаги 495-сонли “Архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори муҳим рол ўйнамоқда.

Дастлаб вужудга келган Туркистон вилояти (1865-1867 йй.) ва кейинчалик унинг асосида ташкил этилган Туркистон генерал-губернаторлигида ташкил этилган илмий жамиятлар аввало ўлкада Россия империяси давлатчилигини тарғиб этиш ва мустаҳкамлаш воситаси сифатида вужудга келган. Марказий ва маҳаллий империя амалдорлари илмий жамиятларни бирламчи вазифаси сифатида рус давлатчилиги манфаатларини таъминлашдан иборат деб билишар эди. Бунда улар аввало маҳаллий аҳоли ўртасида рус тили ва маданиятини тарғиб қилиш орқали империя учун содиқ фуқаролар қатламини вужудга келтиришни кўзлашар эди. Қолаверса, рус ҳукуматининг ўлкадаги маъмурий бошқаруви ҳам Ўрта Осиё ҳақида иложи борича тезроқ илмий маълумотларга эга бўлишга қизиқарди. Бундан кўзланган асосий мақсад унинг ер ости ва усти бойликлари жойлашган манзиллар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш ва у ерларга ҳарбий ҳаракатларни бошлаш эди[1].

Бу ҳақида тарихшунос Б.В. Лунин қуйидаги фикрларни билдиради: “Туркистон ўлкасини кам ўрганилганлиги (айниқса жамиятнинг тузилиши, маҳаллий аҳолининг анъана ва урф-одатлари, ўлка географияси, алоқа йўллари, қазилма бойликлар ва бошқа табиий бойликларини) мустамлака маъмуриятининг хатти-ҳаракатларини қийинлаштирар ҳамда янги эгалланган ўлкани хўжалик (иқтисодий – *А.Н.*) жиҳатдан эксплуататция қилишга тўсқинлик қилар эди”[2]. Шу ўринда ушбу илмий жамиятларнинг

[1] Саидбобоев З. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар (XVI – XIX асрлар). – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 95.

[2] Лунин Б.В. Научные общества и их прогрессивная деятельность. Конец XIX – начало XX в. – Ташкент: АН УзССР, 1962. – С. 20.

фаолияти натижасида ўлкани ҳар томонлама ўрганишда кўплаб илмий ютуқлар қўлга киритилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Яъни жамиятларни тузишдан кўзланган турли мақсадларга қарамай, ушбу жамиятларни ўлкани тадқиқ этишдаги муҳим ўрнини инкор этиб бўлмайди.

Ҳозиргача ушбу жамиятлар бир қанча тадқиқотлар мавзусига айланган. Юқорида номлари келтирилган илмий жамиятларнинг тарихи турли даврларда тадқиқотчилар диққат эътиборида бўлган.

Уларда асосан ушбу жамиятларнинг илмий фаолияти ва илмий изланишлари натижалари таҳлил этилган бўлиб, камдан-кам ҳолларда уларни тузилишдан иборат бўлган мақсадлари ва уларни мустамлака давлатчилиги воситаси сифатида олиб борган фаолияти таҳлил этилган. Бу ҳақидаги маълумотлар эса ушбу жамиятларнинг фаолияти натижасида вужудга келган архив фондларидаги ҳужжатларда акс этган. Бунга ёрқин мисол сифатида Б.В. Лунин Император шарқшунослик жамиятининг Тошкент бўлими номига Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-лейтенант Е.И Мациевскийнинг қуйидаги хатини келтиради:

“*Генерал-лейтенант... Сизнинг асарларингизни ўқиб чиқиб, куйидагиларни айтиб қўйишимни буюрдилар. Жаноби олийлари* (Мациевский – *А.Н.*) *барча масалаларга қўшиладилар, аммо энг муҳими масала четда қолган. Жамият Шарқни Шарқ учун эмас, ҳаттоки фан учун ҳам эмас, балки халқларни* (Туркистон халқлари назарда тутилмоқда – *А.Н.*) *Россия билан қоришиб кетиши – руслашиши учун ўрганиши лозим*”[1].

Юқоридаги маълумотларни ўзида жамлаган архив фондлари таҳлили бизга ушбу жамиятлар қандай мақсадларда тузилганлиги ва уларга империя амалдорлари томонидан қандай вазифалар қўйилганлигини кўрсатади.

Бугунги кунда ушбу илмий жамиятларнинг фаолиятига доир кўплаб ҳужжатлар Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА)да сақланмоқда. ЎзМАда жами 5 та илмий жамиятларнинг ҳужжатлари мавжуд бўлиб, ҳар бири алоҳида фонд сифатида сақланмоқда. Хусусан улар қуйидагилардир: И-69, И-71, И-103, И-361, И-591. Ушбу фондлар ўз ичига турли миқдордаги сақлов бирликларини

[1] Лунин Б.В. Научные общества и их прогрессивная деятельность... – С. 22.

қамраб олган бўлиб, уларнинг умумий сони 504 та йиғмажилдни ташкил этади. Уларда юқоридаги ташкилотларнинг фаолиятига доир асосий маълумотлар келтирилган бўлиб, ушбу ҳужжатлар Туркистонда илм-фан, маданиятнинг ривожланиши ва ўлкани ўрганилиш тарихига доир муҳим манбалар ҳисобланади. Ушбу манбаларни тадқиқ этиш ҳозирда Ўзбекистон тарихининг манбашунослиги, Ватанимизнинг XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари тарихи ва архившунослик соҳаси олдида турган долзарб масалалардан биридир. Тақдим этилаётган рисола орқали биз ушбу масалани қисман ёритишга ҳаракат қилдик.

Шу ўринда ушбу рисолани яратилишида бизга яқиндан ёрдам берган ва ўз маслаҳатларини аямаган устозларимиз ва ҳамкасбларимиз, ЎзМУ тарих факультети декани, профессор А.Г. Муминов, “Манбашунослик ва архившунослик” кафедраси профессори З.А. Саидбобоев, доцентлар З.Б. Раҳмонқулова, Ш.Ш. Чориев, кафедра ўқитувчиси Ж.Х. Адилов, ЎзМУ тадқиқотчиси М.С. Азимбаев, “Ўзархив” агентлиги ахборот хизмати раҳбари А.О. Алиев, ЎзМА директори Д.Т. Закирова, Ҳужжатларни нашр этиш ва улардан фойдаланиш бўлими 1 даражали архивчиси Н.И. Юсуповаларга ўз минатдорчилигимизни билдирамиз.

I. ТУРКИСТОНДА ИЛМИЙ ЖАМИЯТЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ

Туркистон замини жуда қадимдан турли олимларнинг муҳим тадқиқот объекти бўлиб келган. Хусусан, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистонда рус ва хорижий тадқиқотчилар фаолият юритган бўлиб, уларнинг фаолияти натижасида кўплаб этнографик тадқиқотлар ва манбавий аҳамиятдаги маълумотлар вужудга келган. Ушбу тадқиқотлар ўлкада олиб борилган дастлабки бу турдаги тадқиқотлар бўлганлиги сабабли ҳозирги кунда тарих учун алоҳида аҳамиятлидир. Айнан ушбу тадқиқотлар яхлит тизимли шаклда, тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этиш, тизимлаштириш замонавий тарих фани олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Россия империяси Ўрта Осиё ҳудудида ўзининг янги мустамлакасига эга бўлгандан сўнг, мустамлакачилик тизимини мустаҳкамлаш мақсадида ўлканинг тарихини ўрганишга киришади. Бу мақсадда аввало Россия империясининг илм-фан марказларидан ўлкага ташриф буюрган тадқиқотчилар фаолият юритган бўлсада, кейинчалик маҳаллий маъмуриятнинг фаол ёрдамида ташкил этилган турли илмий жамиятлар бу вазифани бажарган.

1869 йили ўлкадаги дастлабки жамият – Ўрта Осиё илмий жамияти ташкил этилган бўлса, кейинчалик Табиатшунослик, антропология ва этнография ҳаваскорлар жамиятининг Туркистон бўлими (1870 й.), Туркистон оммавий кутубхонаси (1870 й.), Тошкент кимё лабораторияси (1870 й.), Туркистон ҳарбий округи ҳарбий топография бўлими қошидаги Тошкент астрономия ва физика обсерваторияси (1873 й.), Туркистон халқ музейи (1880 й.), Туркистон қишлоқ хўжалиги (1885 й.), Рус техника жамиятининг Туркистон бўлими (1891 й.), Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги (1895 й.), Императорлик рус география жамиятининг Туркистон бўлими (1897 й.), Туркистон тиббиёт жамияти (1899 й.) Императорлик шарқшунослик жамиятининг Тошкент бўлими (1901 й.) ва бошқалар ташкил этилган[1].

[1] Бу ҳақида қаранг: Лунин Б.В. Научные общества и их прогрессивная деятельность. Конец XIX – начало XX в. – Ташкент: АН УзССР, 1962. 344 с.; Назаров А. Ё. ЎзР МДАнинг Туркистондаги илмий жамиятлар ва ташкилотларга доир фондлари ҳақида// ЎзМУ хабарлари. 2018. №1. – Б. 32-35.

Ўлкада ушбу илмий жамиятлар турли йилларда ташкил топган бўлиб, уларнинг кўп қисми 1917–1918 йилларга келиб ўз фаолиятини тўхтатган.

Бундай жамиятлардан бири Ўрта Осиё илмий жамияти бўлиб (баъзи манбаларда Ўрта Осиё жамияти ҳам деб юритилган), ушбу жамият 1869 йили Тошкентда Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман рухсати билан А.П. Федченко бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар томонидан тузилган, жамиятнинг асосий мақсади ўлкани ҳар томонлама ўрганиш бўлган[1]. Аммо ушбу жамият 1872 йилгача фаолият юритган[2]. Тадқиқотчилар А.И. Добросмыслов жамиятнинг бунча қисқа давр фаолият юритганлигини унинг фаол аъзоси ва бош арбобларидан бири Н.Ф. Петровскийнинг Тошкентдан кетиши билан изоҳлайди[3]. Туркистондаги илмий жамиятлар тарихи бўйича йирик тадқиқот олиб борган тарихшунос Б.В. Лунин ҳам ўз тадқиқотида А.И. Добросмысловнинг фикрига қўшилади[4].

Ушбу жамият фаолияти А.А. Азатян ва Б.В. Лунин томонидан тадқиқ этилган[5].

Жамият қисқа вақт фаолият юритган бўлишига қарамасдан, унинг аъзолари томонидан ўлкани ўрганишга қаратилган ҳаракатлари салмоқли эди. Ушбу жамият фаолиятига доир материаллар ҳозирда ЎзМА И-591 рақамли фондда сақланмоқда.

---

[1] ЎзМА И-591-фонд, 1-рўйхат, 3-йиғмажилд, 5-варақ.

[2] Путеводитель. Центральный государственный исторический архив УзССР. Сост. Агафонова З.И., Халфин Н.А. – Ташкент, 1948. – С. 141.

[3] Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. – Ташкент: Эл.-паров. типолит. О.А. Порцева, 1912. – С. 301.

[4] Лунин Б.В. Научные общества Туркестана… – С. 88.

[5] Азатьян А. А.П. Федченко – географ и путешественник. – М.: Гос. изд-во географической литературы, 1956. – 128 с. Ўша муаллиф. Из истории первых обществ в Туркестане (По неопубликованным документам исторического архива Узбекской ССР) // Известия Узбекского филиала Географического общества СССР. 1955. – Т. 1. – С. 175-178; Ўша муаллиф. Классический период в географическом познании Средней Азии (вторая половина XIX века): Автореф. дис... д-ра геогр. наук. – Ташкент, 1963. – 231 с. Ўша муаллиф. Новые данные о деятельности первых научных обществ в дореволюционном Туркестане // История геолого-географических наук / ТИИЕТ. – М.: Изд-во АН СССР, 1961. Т. 37. Вып. 2. – С. 109-117; Лунин Б.В. Научные общества Туркестана…; Ўша муаллиф. Из истории русского востоковедения и археология в Туркестане. Туркестанский кружок любителей археологии (1895-1917 гг.). – Ташкент: Изд-во АН Узбекской ССР, 1958. – 320 с.; Ўша муаллиф. Русские ученые и исследователи о Киргизии. – Фрунзе, 1951. – 23 с. Ўша муаллиф. Ўша муаллиф. Средняя Азия в дореволюционным и советском востоковедении. – Ташкент; 1965. – 408 с.;

Жамиятнинг низомида таъкидланишича:

“1. Ўрта Осиё жамиятининг мақсади Ўрта Осиёни ҳар томонлама ўрганишдан иборатдир.

2. Жамият Ўрта Осиёнинг тарихи, географияси, статистикаси, этнографияси, табиий бойликлари, савдо ва саноатига оид маълумотларни йиғади, таҳлил қилади, тарқатади.

3. Ўрта Осиёга оид маълумотларни оммалаштириш учун: а) оммавий ўқишларни ташкиллаштириш; б) хабарлар орқали йиғилган маълумотларни турли илмий жамиятларга етказиш; в) ушбу маълумотларни маҳаллий газеталарда, ўзининг тўпламлари ва хабарларида нашр қилиш.

Жамият ўз музейи, кутубхонаси ва архивига эга бўлган[1]”.

Жамият аъзоларидан Туркистон генерал-губернаторининг тоғ-кон ишлари бўйича махсус амалдори Александр Степанович Татаринов жамият раиси, Туркистон генерал-губернатори ҳузуридаги дипломатик амалдор, астроном, картограф (кейинчалик Россия империясининг Япония, АҚШ ва Нидерландиядаги элчиси,) Кирилл Васильевич Струве вице-раис, Молия вазирлигининг Туркистон ўлкасидаги агенти (кейинчалик Россия империясининг Кошғардаги консули, тарихчи-шарқшунос) Николай Федорович Петровский котиб ва ғазначи бўлган. Жамият аъзолари орасида Зарафшон округи бошлиғи, генерал-майор А.К. Абрамов, Еттисув вилояти ҳарбий губернатори ҳузуридаги махсус топшириқлар бўйича кичик амалдори (кейинчалик машҳур тарихчи-шарқшунос, этнограф) Н.А. Аристов, генерал-губернатор девонининг махсус топшириқлар амалдори М.И. Бродовский, Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори, генерал-майор Н.Н. Головачёв, Туркистон ҳарбий округи ҳарбий топография бўлими бошлиғи (кейинчалик Императорлик рус география жамиятининг Туркистон бўлими раиси, генерал) С.И. Жилинский, Туркистон ҳарбий округи штаби катта адъютанти, подполковник (кейинчалик Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори, генерал-лейтенант Н.И. Кораль ков, генерал-губернатор ихтиёридаги амалдор, шарқшунос А.Л. Кун, 1-Туркистон ўқчи батальони штаб-капитани (кейинчалик Россия империясининг ҳарбий вазири ва Туркистон ўлкасининг сўнгги генерал-губернатори) А.Н. Куропаткин, генерал-губернатор девонининг махсус топшириқлар амалдори, “Тур-

[1] ЎзМА И-591-фонд, 1-рўйхат, 4-йиғмажилд, 3-12-варақлар.

кестанские ведомости” газети бош муҳаррири Н.А. Маев, Тошкент шаҳри ҳарбий бошлиғи (кейинчалик Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант) В.Ю. Мединский, 7-Туркистон линейний батальони полковники Н.Н. Раевский, машҳур рус олими, биолог, географ ва сайёҳ А.П. Федченко, 9-Туркистон линия батальони майори (кейинчалик Фарғона ҳарбий губернатори) А.П. Чайковский, ўлка бошқаруви вакиллари С.А. Идаров, Ю.Д. Южаков, маҳаллий халқ вакилларидан Мирзаҳаким Додхо, Саид Азимбой Мухаммадбоев, Ҳожи Юнусовлар ҳам ушбу жамият аъзолари бўлишган[1]. Жамиятнинг аксарият аъзолари кейинчалик ўлкада ташкил топган бошқа илмий ташкилот ва муассасаларда ҳам фаолият юритиб, уларнинг аксарияти кейинчалик Императорлик рус география жамиятининг Туркистон бўлими аъзолари рўйхатидан жой олган[2].

Юқорида келтирилган аъзолар маълумотларидан жамиятнинг ўлка бошқаруви учун нақадар аҳамиятли бўлганини билиш мумкин. Зеро, жамиятга генерал-губернаторлик бошқарувидаги кўплаб шахсларнинг аъзо бўлганлиги уларни қандайдир лавозимни эгаллаганлиги билан изоҳланмайди. Аксинча, жамият аъзоларининг кўпчилиги ўлкада ҳарбий ёки дипломатик соҳадан ташқари бошқа бир илмий соҳа бўйича ҳам фаолият юритгани билан изоҳланади.

Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, жамиятнинг ҳар бир аъзоси йилига 10 рубль миқдорида аъзолик бадали тўлаган[3].

Афсуски, Ўрта Осиё жамияти 1872 йилнинг бошида ўз фаолиятини тўхтатади. Архив ҳужжатлари орасида жамият тўсатдан иш фаолиятини тўхтатиш сабабларини кўрсатиб берган ҳужжат йўқ. 1872 йилда жамият аъзоларининг йиғилиши бўлиб ўтган. Йиғилиш раиси ўз маърузасида бир йиллик ишлар натижаларини кўрсатиб ўтган, келгуси масалалар устида гапирган. Унинг маърузаси бошланган ишларни якунлаш ҳақидаги тетик интилишлар билан йўғрилган эди. Кўриниб турибдики, жамиятнинг бошқа йиғилишлари бўлмаган ва

[1] ЎзМА И-591-фонд, 1-рўйхат, 6- йиғмажилд, 3-3 орқа варақ.

[2] Назаров А. ЎзМА И-69 фонди – Ўрта Осиёдаги тарихий-географик тадқиқотлар бўйича муҳим манба // Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XV илмий-амалий конференцияси тезислари тўплами. – Тошкент, 2018. – Б. 25-27.

[3] ЎзМА И-591-фонд, 1-рўйхат, 6-йиғмажилд, 2-2-орқа варақлар.

у ўз фаолиятига якун ясаган[1].

Императорлик рус география жамияти (ИРГЖ)нинг Туркистондаги бўлимини ташкил этилиши нисбатан кечроқ амалга оширилган. XIX асрнинг 90-йилларида ўлкада фаолият юритган бир гуруҳ олимларнинг таклифидан сўнг, Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори, генерал-лейтенант Н.Я. Ростовцев, кейинроқ Туркистон генерал-губернатори барон А.Б. Вревский ИРГЖнинг маъмурияти билан бу масалани муҳокама қилишган. Хусусан, бўлимни очилишида машҳур олим, ўша даврда ИРГЖнинг вице-раиси П.П. Семёнов-Тяньшанскийнинг ҳиссаси катта бўлди. Олим ИРГЖнинг олдида турган илмий вазифаларни катта ва кенг қамровлилигини англаб етган ҳолда Туркистон ўлкасида унинг бўлимини очилиши ҳақидаги фикрни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Унинг ҳаракати билан жамиятнинг Туркистондаги бўлимини очиш мақсадида Россия Империя Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги билан ёзишмалар олиб борилган. 1895 йилнинг ноябрь ойида бошланган ҳаракатлар бир йил ичида жамиятнинг ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилган ҳужжатларни қабул қилиниши билан якунланди[2].

Жамият низоми 1896 йил 26 декабрда Ички ишлар вазири томонидан тасдиқланган[3]. Жамият фаолияти 1897 йил 28 февралда бошланган. Жамият Туркистон ўлкаси ва унга қўшни мамлакатларни географик жиҳатдан ўрганиш, илмий маълумотлар йиғиш мақсадида тузилган[4]. Жамиятнинг биринчи йиғилиши унинг фахрий раиси Туркистон генерал-губернатори барон Александр Борисович Вревскийнинг қароргоҳида бўлиб ўтган[5].

1897 йилда жамиятга дастлаб 78 киши аъзо бўлган. Турли йилларда жамиятнинг аъзолари сони, жумладан 1903 йилда 104 та бўлса, 1912 йилда 53 та бўлган. Жамият ўлкада мавжуд бўлган бошқа илмий муассасалардан фарқли ўлароқ, 1917 йилдан кейин ҳам фаолият юритган.

---

[1] Донцова З.Н. Туркестанский отдел Русского географического общества в дореволюционный период (1897-1917 гг.): Дисс … на соиск. уч. степ. канд. геог. наук. – Ташкент: изд-во САГУ, 1951. – С. 129-130.

[2] Донцова З.Н. Туркестанский отдел русского географического общества в дореволюционный период (1897–1917 гг.): Дис... канд. геогр. наук. – Ташкент: САГУ, 1951. – С. 8

[3] ЎзМА И-69 фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 1-варақ.

[4] Путеводитель. Центральный государственный исторический архив... – С. 144.

[5] ЎзМА И-69 фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 11-11-орқа варақ.

Ўрта Осиё ва унга ёндаш ҳудудларни тадқиқ этган жамиятлардан бири ўлка тарихини археологик жиҳатдан ўрганган Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги ҳисобланади.

Тўгаракнинг ташкил топишида фаол қатнашган В.В. Бартольднинг маълумот беришича, ўлкада хизмат сафарида бўлган пайтида (1893 йил 11 декабрь) Табиатшунослик, антропология ва этнография рус императорлик жамиятининг Туркистон бўлими йиғилишида генерал-губернаторликда археология ҳаваскорлари тўгарагини таъсис этиш масаласи кўтарилган[1]. Бу борада В.В.Бартольд ва Н.П.Остроумовлар томонидан билдирилган фикрлар қизғин муҳокамага сабаб бўлган[2]. Йиғилиш давомида Тошкентда археология тўгарагини ташкил этишга қарор қилиниб, тез орада тўгаракни ташкил этиш лойиҳаси ишлаб чиқилади ва уни тасдиқлаш ишлари бошланади[3]. Бу борада Туркистонда фаолият юритган олимлар, маориф соҳаси вакиллари ва ўлка бошқаруви органлари ходимларининг Санкт-Петербургдаги олимлар билан ҳамкорликда олиб борилган ташкилий ишлари тўгарак фаолиятини йўлга қўйишга имкон яратди. Натижада Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги император Николай Ининг 1895 йил 19 октябрдаги фармонига биноан ташкил этилди.

Туркистон Археологлар жамиятининг филиаллари ҳам очилди. Хусусан, улардан бири Самарқандда эди. Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги (1895–1917) Самарқандни тарихий археологик жиҳатдан ўрганишга катта эътибор берди. 1905 йилдан кейин ҳаваскор археологлар, тарихчилар, этнографлар Самарқанд тўгарагини ташкил этишга ҳаракат қилиб кўришган, бироқ тўгаракнинг амалий фаолияти кенг қулоч ёймаган[4].

Н.И. Веселовский, В.В. Бартольд, В.Л. Вяткин ва кўплаб бошқа таниқли олимлар ўзларининг Туркистон бўйича ўтказган тадқиқотларида маҳаллий коллекционерлар ва қадимият ҳаваскорлари-

[1] Бартольд В.В. Новое научное общество в Ташкенте. –Ташкент. Наука, 1977. – С. 487

[2] Лыкошин Н.С. Очерк археологических изысканий в Туркестанском крае до учреждения Туркестанского Кружка любителей археологии// Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского Кружка любителей археологии. I. 1896. – С. 37-38

[3] Лунин Б.В. Научные общества в Туркестане и их прогрессивная деятельность. –Ташкент: АН УзССР, 1962. – С. 44

[4] Самарканд тарихи. I том. – Ташкент: Фан, 1971. – Б. 382.

дан катта амалий кўрсатмалар, қимматли ёрлиқ, маслаҳатлар олганликларини ўзларининг илмий асарларида таъкидлаганлар.

Ўрта Осиё археологиясини ўрганишда маҳаллий зиёли вакилларининг хизматлари ҳам аҳамиятли бўлган. Хусусан, тошкентлик савдогар А. Асқаров турли даврларга оид ўзининг қадимий ашёлар коллекцияси билан шуҳрат қозонган. У Н.И. Веселовский раҳбарлигида Туркистонда ўтказилган археологик изланишларда бир неча марта қатнашган. А.Асқаров қадимги тангаларни йиғишда катта тажрибага эга бўлган, Афросиёб ва унинг атрофидаги ёдгорликлар, Бухоро, Сирдарё, Фарғона вилоятларидаги тарихий обидаларни ўрганишда қатнашган[1].

XX асрнинг биринчи ўн йиллиги охирларида В.Л. Вяткин раҳбарлигида Улуғбек расадхонаси қолдиқларини топиш мақсадида ўтказилган қидирув-қазув ишлари катта муваффақиятга эришади. В.А. Шишкин таърифи билан айтганда, «қазув ишлари Ўрта Осиё халқлари маданиятининг дурдона ёдгорликларидан бири, дунё миқёсидаги кашфиёт, рус ва чет эл илмий нашрларида катта мунозара ва муҳокамаларга сабаб бўлган Улуғбек расадхонасининг очилиши билан ниҳояланади»[2].

Маълумотларга қараганда, дунё миқёсида шов-шувга сабаб бўлган ушбу кашфиётни очилишида Абу Саид Маҳсумнинг ҳам хизматлари катта бўлган. Ўтган асрларда битилган вақф ҳужжатларини синчиклаб ўрганган, ундаги маьлумотларни оғзаки ҳолда, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган этнографик маьлумотлар, афсоналар билан солиштирган, тасодифий топилмалар қайд этилган жойларни ҳисобга олган Абу Саид Маҳсум В.Л. Вяткинга расадхона жойлашган тепаликни аниқ кўрсатиб берган.

Юқоридаги маьлумотлардан кўриниб турибдики, XIX асрнинг сўнгги чорагида бошланган Туркистон археологиясини ўрганиш ишларида маҳаллий зиёли вакиллари ҳам қатнашиб, муайян малака ва тажрибаларни тўплай бошлашганлар.

Тўгарак аъзолари томонидан Туркистон ўлка тарихи, маъмурий тузуми бўйича ўрта аср шарқ қўлёзма манбалари, маҳаллий халқ афсоналари, мақоллари, маталлари, урф-одат ва фольклорига оид

[1] "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"1-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ. Давлат илмий нашриёти, 2000. – Б. 235.

[2] Шишкин В.А. Обсерватория Улугбека и её исследование // Труды Института истории и археологии АН УзССР. – Ташкент, 1953.

материаллар тўпланиб ўрганишга киришилган бўлса-да, аслида бунинг замирида Россия империясининг ўлкада ўз мустамлакачилик бошқарув тизимини мустаҳкамлаш сиёсати ётарди, В.В.Бартольд "Шарқ халқлари бизнинг маданиятимиз устунлигига қачонки биз уларни, улар ўзларини билганларидан яхшироқ билишимизга тан берсалар, шундагина ишонадилар"– деб таъкидлаб ўтган[1]**.** Чунки муайян халқ тарихини, тилини, урф-одати ва маънавий дунёсини ўргангандагина, уни қарамликда сақлаш ва бошқариш осон бўлишини мустамлака ҳукумати яхши биларди.

Шунга қарамасдан XIX аср охири – XX аср бошларидаги Туркистон ўлкасида олиб борилган археологик изланишлар тарихшунослик учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўрта Осиё аҳолисининг қадимий моддий маданият ёдгорликлари ўрганилишига дастлабки қадамлар қўйилди.

Россия империяси Ўрта Осиёни забт этгандан сўнг ўлканинг қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан тўла фойда олиш учун бир қатор тадбирларни амалга оширган.

Россияга истило этилган Туркистоннинг қишлоқ хўжалиги орқада қолгани, ишлов бериш техникаси ва усуллари одатий бўлгани рус зиёлиларининг эътиборини жалб қилган.

Минтақа халқ хўжалигининг асосий тармоғи саналган қишлоқ хўжалиги хусусиятларини қандай қилиб яхшироқ ва чуқурроқ ўрганиш ҳақида ўйлаб, маҳаллий қишлоқ хўжалиги учун фойдали бўлган маълумотни тарқатишни қандай усул ва воситалар билан, рус деҳқонларининг тажрибасини етказиш мумкин, қандай фойдали экинларни ўтказиш мумкинлигини муҳокама қилишган. Маҳаллий жамоалар томонидан юқоридаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган илмий жамият яратиш ғояси туғилган.

Бу вақтга келиб Россияда шундай жамиятларнинг фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича муайян тажриба мавжуд бўлиб, Москва қишлоқ хўжалиги жамияти, Россия боғдорчилик жамияти ва Россиянинг бошқа илмий жамиятларининг ишларига мурожаат қилиш кифоя эди.

Маҳаллий рус зиёлилари орасида ўлкадаги шароитларни яхши билган ўзларининг тажрибалари билан ажралиб турган ташкилотнинг фаол аъзолари бор эди.

[1] Бартольд В.В. Сочинения. Т. 1. – Москва, 1963.

Илмий жамиятни яратиш ғояси нафақат фаол зиёлилар орасида, балки генерал-губернаторлик девонхонаси эътиборини тортган, бу ерда улар ушбу ҳудудни янада яхши ўрганиш учун 1885 йилда Туркистон қишлоқ хўжалиги жамиятини ташкил қилишган. Биринчи даврда у Россия боғдорчилик жамиятининг Туркистон бўлими вазифасини бажарган. Жамиятга қўшилиш сабаблари ҳар хил эди. Йирик ер эгалари ва ижарачилар деҳқон хўжаликларининг самарадорлигини оширишга интилишган, жамият уларга қишлоқ хўжалигига оид энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш ва оқилона бошқарув усулларини қўллаш имконини берган. Шу билан бирга, жамиятда минтақани тезроқ ўрганишни тарғиб қилиш, унинг иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшиш истагидаги одамлар кўп эди. Буларга биринчи навбатда В.Ф. Ошанин, И.И. Краузе ва бошқалар киради. Жамиятнинг шаклланишида тажрибали агроном А.И. Вилкинсни, Тошкент кимё лабораториясининг мудири Н. Б. Тейхни, “Туркестанские ведомости”газетаси муҳаррири Н.А. Маевни ва Туркистон рус зиёлиларининг бошқа вакилларини кўришимиз мумкин. Кейинчалик Туркистон қишлоқ хўжалигининг таниқли мутахассислари Н.Н. Александров ва С.В. Понятовский, тажриба далаларида узоқ вақт ишлаган М.М. Бушуев, энтомологлар И.А Севастянов ва Н.Г. Запрометов, амалиётчи-асаларичилар И.А. Бржезитский, Ф.Ф. Поспелов ва бошқалар жамият ишларида фаол иштирок этдилар.

Россия боғдорчилик жамиятининг Туркистон бўлимининг энг фаол раҳбарлари ва аъзолари орасида Москва университетини битирган, Россиядаги кўплаб илмий жамиятларнинг аъзоси Иероним Иванович Краузе бўлган.

Тарихий маълумотларга кўра, жамият фаолиятининг биринчи ўн йиллигида (1885–1895) минтақада боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Шу мақсадда боғчалар ва мактабларда боғлар ташкил этилган. Тошкентда боғдорчилик мактабини очиш бўйича чора-тадбирлар кўрилган шу асосда меваларни оловда қуритиш усулини жорий этишганини кўришимиз мумкин.

Россия боғдорчилик жамиятининг Туркистон бўлими аъзолари олма, нок, гилоснинг яхши навларини ўстириб, боғлардан маҳаллий аҳолига етказиб беришни ва минтақада мева етиштиришни яхшилашга ўз ҳиссаларини қўшишган.

XIX аср охири – XX аср бошларида қишлоқ хўжалигини

ихтисослаштириш жараёни бошланди, бу биринчи навбатда пахта билан шуғулланадиган ўлканинг туманларига таъсир кўрсатди. Россия саноатининг тўқимачилик хом ашёси пахта толасига бўлган катта талаби Ўрта Осиёда пахта етиштиришни ривожлантиришга туртки берди. Унинг монопол истеъмолчиси Россиянинг марказий минтақалари эди.

Архив материаллари, ҳисоботлар ва бошқа манбалардан маълум бўлишича, улар амалий фаолиятни боғдорчиликнинг тор доираси билан чекламаган ва иложи борича минтақанинг асосий қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга интилган.

1895 йил жамият фаолияти кўламини кенгайиши уни қайта ташкил этиш масаласини талаб қилди. Натижада 1895 йилда марказ билан узоқ ёзишмалардан сўнг бўлим Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти сифатида қайта ташкил этилди.

Унинг низоми 1895 йил 4 июль куни Деҳқончилик ва давлат мулки вазирлиги томонидан тасдиқланади[1]. Кейинчалик жамият қишлоқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича кенг кўламда фаолият юритган. Жамият ўз фаолияти доирасида бир қатор илмий тадқиқотларни ҳам олиб борди. Хусусан, ўлкада деҳқончилик ва ирригация масалалари, ўсимликларнинг янги навларини олиб келиш ва ўлкада етиштиришга оид бир қатор илмий изланишлар жамият бошчилигида амалга оширилган.

XIX аср охири – XX аср бошларида минтақанинг ўсиб бораётган иқтисодий эҳтиёжларига мувофиқ, айниқса Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти жадал ишлар бошлади. Унинг таркибида турли хил муассасалар, филиаллар, қўмиталар, комиссиялар мавжуд эди. 1900 йилда жамиятда 8 та: боғдорчилик, узумчилик ва виночилик, пахтачилик, чорвачилик ва паррандачилик, суғориш, иқтисодиёт ва статистика, деҳқончилик ва асаларичилик махсус бўлимлари мавжуд эди.

Туркистон қишлоқ хўжалиги жамиятининг ривожланган даври Россиянинг тажрибали олими Рихард Рихардович Шредер жамият раиси сифатида ўн тўрт йиллик(1904 – 1918) фаолият юритган даврига тўғри келади. Жамият 1921 йилгача фаолият юритган.

[1] Путеводитель. Центральный государственный исторический архив... – С. 142.

Императорлик Шарқшунослик жамятининг Тошкент бўлинмаси ўлкада 1901–1917 йилларда фаолият юритган бўлиб, Ўрта Осиё ва унга ёндош ҳудудларни шарқшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этишда ўзига хос из қолдирган. Тарихшунос Б.В. Луниннинг таъкидлашича: “Шарқшунослик жамияти Тошкент бўлими тақдири ҳам туркистоншунослик билан шуғулланган бошқа жамиятларга ўхшаш бўлган. У умуман унутилган бўлиб, жамият ҳақидаги адабиётлар фақатгина маълумотлар билан чекланган”[1].

Императорлик Шарқшунослик жамияти Россия империяси Молия вазирлигининг ташаббуси ва тасдиғи билан 1900 йил 29 февралда таъсис этилган. Жамиятнинг марказий бошқарув органи Санкт-Петербургда жойлашган. Петербургда жамиятнинг марказий бошқарув кенгашига эга бўлган ҳолда жамият ўз бўлимларидан ҳам ташкил топган. Дастлаб жамият Москва, Нижний Новгород, Қозон, Астрахан, Тифлис, Ереван, Боку, Тошкент, Бухоро ва Ашхобод, шунингдек Варшава, Лодзи ва Одессада бўлимларни ташкил этишни режалаштирилган. Лекин буларнинг барчасиям ижобий натижалар кўрсата олмаган. Ҳаттоки Баку ва Бухоро бўлимлари расман очилмаган.

Жамиятнинг асосий мақсади – Шарқ халқлари ўртасида Россияга доир аниқ ва тўғри маълумотларни ёйиш ҳамда рус жамиятини Шарқнинг моддий эҳтиёжи ва маънавий ҳаёти билан таништиришдан иборат бўлган.

Бунинг учун жамият Россия ҳудуди ва ундан ташқарида ўз фаолиятини олиб боришни режалаштириб, мақсадга эришиш учун Низомида белгиланган қуйидаги вазифаларни амалга ошириши даркор эди:

а) барча воситаларни ишга солган ҳолда Шарқ халқларини иқтисодий ва савдо саноат ҳолатида ўрганиш айниқса рус товарларини уларнинг бозорларига олиб кириш ва сотиш;.

б) Россия ва Шарқ мамлакатларида вақтинчалик кўргазмалар ва доимий музейларни ташкил қилиш, ўзаро савдо-саноат, табиий бойликлар ва турмуш тарзи билан таништириш;

в) шарқшунослик масалаларига доир фикрлар алмашинуви учун аъзоларнинг даврий йиғилишларини ташкил этиш.

[1] Лунин Б.В. Научные общества Туркестана... С. 126.

г) Шарқнинг турли халқларининг маданияти ва иқтисодий аҳволини ўрганиш, ҳамда улар билан яқинлашиш учун шарқ халқлари тилларини ўрганиш курслари ва шарқшунослик масалаларига доир маърузаларни ташкил этиш. Бунда антропология, тарих, дин ва турмуш тарзи масалаларига алоҳида эътибор қаратиш;

д) Россиянинг урф-одатлари дунёқараши, маърифати ҳақидаги нашрлар билан Шарқ халқларини таништириш[1].

е) шарқшуносликнинг турли соҳаларига оид рус тилидаги асарларни нашр қилиш ёки нашр ишларига ёрдам бериш. Шунингдек, танлов орқали бундай ишларни рағбатлантириш;

ж) йиғилиш баённомаларини, йиғилишда ўқилган маърузаларни жамиятнинг фаолиятига доир ҳисоботларни ва молиявий аҳволига доир маълумотларни нашр қилиш;

з) Шарқ мамлакатлари географияси ва хўжалигига оид маълумотларни тўпловчи органга эга бўлмоғи;

и) кутубхона ва ўқув хоналарини очиш;

й) заруратга қараб ҳамда ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда рус маҳсулотларини Шарқ мамлакатларида сотишни енгиллаштириш учун у ерларнинг аҳолиси эҳтиёжи ва таъбини, шунингдек, савдо-саноати аҳволини ўрганиш мақсадида экспедициялар уюштириш.

Ҳужжатларда кўрсатилишича, жамият ишини унинг кенгаши бошқарган. Кенгаш ҳузурида 3 та бўлим бўлиб, ушбу бўлимлар жамият дастуридаги қуйидаги ишларни бажарган:

1) Савдо-саноат бўлими. Унинг вазифалари Шарқ халқларини иқтисодий ва савдо-саноат аҳволини тадқиқ қилиш ва ўрганиш, “Европа Шарқ”идан “Узоқ Шарқ”қача бўлган ҳудудда рус маҳсулотларини сотиш чораларини қидириш, шу билан бирга омбор, музей ва кўргазмаларини ташкиллаштириш;

2) Илмий-маданий бўлим. Ушбу бўлимнинг вазифаси Шарқни Россия билан, Россияни Шарқ билан илмий ва маданий жиҳатдан таништиришдан иборат бўлган;

3) Маориф бўлими. Ушбу бўлимнинг мақсади Россияга Шарқ учун арбобларни тайёрлашдан иборат бўлган (келажакда Шарқшунослик институти) ва у ердаги мамлакатларда рус тилини ўргатувчи тижорий мактабларини ташкил этишдан иборат бўлган[2].

[1] ЎзМА И-361 фонд, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд, 3-варақ.
[2] ЎзМА И-361 фонд, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд, 3-орқа варақ.

Жамиятнинг раиси бўлган генерал-майор Николай Константинович Шведов Тошкент бўлимини ташкил этиш учун дастлаб, 1900 йил 18 октябрьда Туркистон генерал-губернатори С.М. Духовскойга, унинг вафотидан сўнг Н.А. Ивановга 1901 йил 12 мартда мурожаат қилган. Натижада 1901 йил 14 апрель куни Туркистон генераль-губернаторининг уйида Шарқшунослик жамиятининг Тошкент бўлимини очиш масаласини кўриб чиқиш учун ўлканинг маъмурий ва ҳарбий амалдорлари ҳамда илм-фан намоёндалари йиғилиши бўлиб ўтган. Ушбу йиғилишда 40 га яқин кишилар қатнашган бўлиб, хусусан улар орасида Н.И. Коральков (Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори), В.В. Сахаров (округ штаби бошлиғи), М.И. Бродовский (генерал-губернатор ҳузуридаги махсус амалдор), П.И. Хомутов, Н.П. Остроумов (ўқитувчилар семинарияси директори), В.О. Ошанин (аёллар гимназияси директори), Д.Д. Гедеонов (топография бўлими бошлиғи), А.К. Кедров (Реал билим юрти директори), В.О. Преображенский (эркаклар гимназияси директори), Н.Г. Маллицкий (эркаклар гимназияси ўқитувчиси) ва бошқалар қатнашган. Эътиборли жиҳати шундаки, бўлимнинг очилиши масаласидаги йиғилишга ўлкада фаолият юритган савдо-саноат соҳа вакиллари кенг миқёсида жалб этилган.

Турли фирмалар, банклар, савдо уйлари, мануфактуралар вакиллари ва бошлиқлари ушбу йиғилишда иштирок этган. Йиғилишда ўлка амалдорлари, илм-фан ва савдо-саноат вакиллари Тошкент бўлимининг очилишини қўллаб-қувватлашади. Бу ҳақида ўлка генерал–губернатори Н.К. Шведовга 1901 йил 25 апрелдаги хати орқали хабар қилади. 1901 йил 29 майдаги жавоб хатида жамият раиси Н.К. Шведов Тошкент бўлими очилиши Молия вазирлиги томонидан маъқулланганлиги ва юқорида айтиб ўтилган генерал- губернаторнинг хатига илова қилинган тахминий аъзолар рўйхатидагилар жамият аъзолигига тасдиқланганлиги ҳақида хабар берилади[1].

Ташкил этилган илмий жамиятлар аввало ўлкада Россия империяси давлатчилигини тарғиб этиш ва мустаҳкамлаш воситаси сифатида вужудга келган.

Бунда улар аввало маҳаллий аҳоли ўртасида рус тили ва маданиятини тарғиб қилиш орқали империя учун содиқ фуқаролар қат-

[1] ЎзМА И-361 фонд, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд, 16-16 орқа варақ.

ламини вужудга келтиришни кўзлашар эди. Қолаверса, рус ҳукуматининг ўлкадаги маъмурий бошқаруви ҳам Ўрта Осиё ҳақида иложи борича тезроқ илмий маълумотларга эга бўлишга қизиқарди. Бундан кўзланган асосий мақсад унинг эр ости ва усти бойликлари жойлашган манзиллар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш ва у эрларга ҳарбий ҳаракатларни бошлаш бўлган.

II. ТУРКИСТОН ИЛМИЙ ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ЎЗМАДАГИ ФОНДЛАРИ ТАВСИФИ

Императорлик рус География жамияти Туркистон бўлимининг фаолияти 1897 йил 28 ноябрда бошланган бўлиб, Туркистон ўлкаси ва унга қўшни ҳудудларни географик жиҳатдан ўрганиш, илмий маълумотлар йиғиш мақсадида тузилган. Жамиятнинг 1896-1927 йиллардаги фаолиятига доир ҳужжатлар (И-69 фонди)да мавжуд. Уларда жамиятнинг йиғилиш баённомалари, йиллик ҳисоботлари, низоми, экаспедициялари ҳақида маълумотлар, турли тадқиқотлар ва карталар бор.

Архив манбашунослиги нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, И-69 фондида жамиятнинг 1896–1927 йиллардаги фаолиятига доир ҳужжатлар мавжуд. Жами 84 сақлов бирлигидан иборат. Фонддаги сақлов бирликлари 1 дан 72 тартиб рақамлари билан белгиланган бўлиб, 12 та литерли (ҳарф билан белгиланган) сақлов бирликлари мавжуд. Булар $7^{а}$, $8^{а}$, $17^{а}$, $22^{а}$, $29^{а}$, $33^{а}$, $35^{а}$, $41^{а}$, $44^{а}$, $48^{а}$, $51^{а}$, $61^{а}$. Ушбу жамғарма “И” (исторический) индекси билан белгиланган бўлиб, шунингдек, ҳамма сақлов бирликларига “ОЦ” (особо ценный–ўта қимматли) грифи ҳам қўйилган. Уларда жамият йиғилишлари баённомалари, йиллик ҳисоботлари, низоми, экспедициялари ҳақида маълумотлар, турли тадқиқотлар ва карталар мавжуд. Барча сақлов бирликлари микрофильмли захира нусхаларига эга.

Фонддаги ҳужжатларни қуйидаги гуруҳларга бўлишн мумкинки:

1. Жамият фаолиятига доир ташкилий, молиявий ва илмий хусусиятдаги ҳужжатлар;

2. Жамиятнинг Императорлик Рус география жамияти марказий бошқаруви, минтақавий бўлимлари ва бошқа илмий ташкилотлар

билан илмий ҳамкорлигини ёритувчи ҳужжатлар;

3. Алоҳида шахслар билан ёзишмалар;

4. Турли карталар, картографик ва топографик маълумотлар;

5. Тарихий-географик изланишларга доир ҳужжатлар.

Алоҳида диққатга сазовор ҳужжатлар туркумига жамиятнинг ҳамкорлик алоқаларини акс эттирувчиларини киритиш мумкин. Улардаги маълумотларга кўра, жамият нафақат Россия империясидаги бошқа илмий жамиятлар билан, балки дунёнинг турли минтақаларидаги ҳозирда ҳам нуфузли бўлган илмий жамиятлар билан илмий алоқада бўлган. Булар сирасига Қироллик География жамияти, Париж География жамияти (ҳозирда Француз География жамияти, Берлин География жамияти, Гамбург География жамияти, Жазоир география жамияти, Нью-Йорк Оммавий кутубхонаси, Халқаро география иттифоқи, "Nature" нашриёти, "Petermanns Geographische Mitteilungen" география журнали ва бошқалар.

И-71 фонди – Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги. Фондда 1895 йили 19 октябрдаги қонун асосида ташкил этилган ва Маориф вазири томонидан 1895 йил 31 октябрда Низоми тасдиқланган тўгарак ва унинг фаолияти билан боғлиқ асосий ҳужжатлар йиғилган. Ўз ичига 1877–1921 йиллар оралиғидаги ҳужжатларни қамраб олган. Фондда тўгарак йиғилиши баённомалари ва уларда қилинган маърузалар, ўлкада олиб борилган археологик тадқиқотлар, реставрация ишлари, тўгарак фаолияти ҳақида ҳисоботлар, турли ёзишмалар ва тарихий тадқиқотларга доир маълумотлар мавжуд[1].

И-71–фонд битта рўйхатга бирлаштирилган 30 та йиғма жилддан иборат[2] бўлиб, йиғмажилдлар 1 дан 27 гача рақамланган. 3 та йиғмажилд литерли рақамга эга (7а, 20а, 22а)[3]. Хронологик жиҳатдан жамғармадаги ҳужжатлар 1895–1917 йилларни ўз ичига олади. Фонд "И" (исторический) белгиланган бўлиб, шунингдек барча йиғмажилдлар "ОЦ" индексига эга.

[1] Путеводитель. Центральный государственный исторический архив... – С. 143.

[2] ЎзМА И-71-фонд, 1-рўйхат, 3-орқа варақ.

[3] ЎзМА И-71-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 3-варақ.

Фонд таркибига кирувчи йиғмажилдлар тўгаракнинг ташкил топиши ва фаолиятига оид ҳужжатлар: унинг низоми, тўгарак аъзоларининг рўйхати, йиғилиш баённомалари, маҳаллий тадқиқотчилар, метрополия ва хориждаги тадқиқотчилар билан ёзишмалар, тўгарак фаолиятига доир ҳисоботлар мавжуд.

Фонд таркибига кирувчи ҳужжатлар орасида, шунингдек юқори илмий аҳамиятга эга бўлган тўгарак томонидан ташкил этилган археологик қазишмалар натижалари, обидаларни сақлаш ва реставрация қилиш ишлари, эпиграфик ва нумизматик тадқиқотлар, тарихий афсоналар, генеалогик тадқиқотлар, Бухоро амирлиги ҳудудидаги археологик қидирув ишлари ҳақида маълумотлардан иборат.

Фонддаги ҳужжатларнинг мазмуни ва хусусиятига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) тўгарак фаолиятига доир ташкилий, молиявий, илмий мазмундаги ҳужжатлар;

2) тўгаракнинг илмий фаолиятини ўзида ёритувчи турли археологик ва бошқа илмий изланишларга доир ҳужжатлар;

3) тўгаракнинг бошқа илмий ташкилотлар билан илмий ҳамкорлигини ёритувчи ҳужжатлар;

4) турли шахслар билан ёзишмалар.

И-103 фонд – Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти фонди. 1885 йил 16 январда Деҳқончилик ва мулк вазири томонидан тасдиқланган “Россия боғдорчилик жамиятининг” Туркистон бўлими низоми тасдиқланади. 1895 йилда бўлим Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти сифатида қайта ташкил этилади ва 1895 йил 4 июлда унинг низоми Деҳқончилик ва мулк вазири томонидан тасдиқланади. Жамият 1917 йил воқеаларидан сўнг ҳам то 1921 йилгача фаолият юритган. Жамғармада жамиятнинг низоми, Деҳқончилик ва мулк вазирлигининг циркулярлари ва бошқарув кенгаши йиғилишлари баённомалари, жамиятнинг фаолияти ҳақида баёнот ва ҳисоботлар мавжуд. Шунингдек, жамғармада жамиятнинг турли масалаларга доир ёзишмалари, жамият аъзолари рўйхати, сметалар ва шу каби ҳужжатлар мавжуд. Жами 317 та сақлов бирлигидан иборат. Улар бир рўйхатга киритилган. Фонддаги сақлов бирликлари 1 дан 317 гача тартиб рақамлари билан белгиланган бўлиб, 3а, 141а, 258а литерли (ҳарф билан белгиланган) сақлов бирликлари ҳам мавжуд. Ушбу фонд “И” (исторический) индекси билан белгиланган бўлиб,

шунингдек, ҳамма сақлов бирликларига “ОЦ” (особо ценный) грифи ҳам қўйилган. Барча сақлов бирликлари микрофильмли захира нусхаларига эга.

Фонд таркибидаги тарихий маълумотлар мавжуд айрим сақлов бирликлари ҳақида тўхталамиз. Масалан, 52 сақлов бирлигида гуручни ўсишини тартибга солиш, ҳамда янги навларини олиб келиб экиш бўйича ёзишмалар; 55 сақлов бирлигида Тошкентда биологик станцияни ташкил қилиш бўйича маълумотлар; 66 сақлов бирлигида Тошкентда узумчилик ва виночилик қўмитасинии ташкил этиш масаласи бўйича ёзишмалар; 77 сақлов бирлигида Бутунжаҳон кўргазмасида қатнашиш бўйича ёзишмалар; 79 сақлов бирлигида Қўқонда фаолият олиб борган Неймарк томонидан Америкадан пахта уруғини олиб келиш бўйича ёзишмалар; 302 сақлов бирлигида 1901 йилги Сирдарё вилояти Тошкент уезди табиий харитаси (булоқлар ҳам кўрсатилган); 304 сақлов бирлигида 3-рақамли ирригацион участка, хариталар ҳамда Султон Санжар қалъа, Искандар қалъа, Абдуллахон қалъа, Байрамали қалъа, Тошкент Краснаводск темир йўли режаси ҳақидаги маълумотлар; 305 сақлов бирлигида Амур дарёси бўйидаги Айгуна шаҳри режаси, ҳамда Амур дарёси бўйидаги Албазинск қалъаси ва Хитой лагери режаси; 306 сақлов бирлигида Узоқ Шарқдаги Амур дарёси атрофида ўсимликлар тарқалиши харитаси мавжуд.

И-361 фонд – Император шарқшунослик жамиятининг Тошкент бўлими. Фондда 1901 йил 14 мартда тузилган бўлим фаолиятига доир ҳужжатлар жамланган бўлиб, у 1917 йилгача яъни бўлим ўз фаолиятини тугатгунга қадар маълумотлар мавжуд. Бўлим фаолияти асосан ўз аъзолари йиғилишида турли маърузаларни ташкиллаштириш ва олиб боришдан иборат бўлган[1]. Фондда жамиятнинг Низоми, бўлимни ташкил этиш масаласи бўйича Шарқшунослик жамияти ва ўлка маъмурияти билан ёзишмалар, бўлимнинг йиғилиш баённомалари, йиллик ҳисоботлари ва шарқ тилларини ўрганишга доир маълумотлар бор.

Шунингдек бўлим фаолияти ҳисоботи, тил курслари ислом, вақф, шарқ тиллари ва бошқа масалаларга оид илмий изланишлар ҳақида маълумотлар мавжуд.

[1] Путеводитель. Центральный государственный исторический архив... – С. 144.

Архив манбашунослиги нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, И-361 фондида 1901–1917 йиллар, яъни жамият фаолият юритган даврга доир ҳужжатлар мавжуд. Жами 13 сақлов бирлигидан иборат[1]. Улар бир рўйхатга киритилган. Фонддаги сақлов бирликлари 1 дан 13 гача тартиб рақамлари билан белгиланган бўлиб, литерли (ҳарф билан белгиланган) сақлов бирликлари мавжуд эмас. Ушбу фонд "И" (исторический) индекси билан белгиланган бўлиб, шунингдек, ҳамма сақлов бирликларига "ОЦ" (особо ценный) грифи ҳам қўйилган. Барча сақлов бирликлари микрофильмли заҳира нусхаларига эга.

И-361 фонддаги биринчи рақамли сақлов бирлиги (жами 29 варақ) Шарқшунослик жамиятини ташкил этиш ва шарқшунослик масалаларига оид асарларни нашр қилишга оид бўлиб, таркибида Туркистон бўлимининг очилиши ҳақидаги (кўчириб олинган) ҳужжат, Евгений Мацейвский, Н.П. Остроумов хатлари, хуллас Шарқшунослик жамияти Тошкент бўлимидан жўнатилган ва қабул қилиб олинган хатлар бор.

Фонддаги иккинчи рақамли сақлов бирлиги (жами 49 варақ) Жамиятнинг ташкил этилиши ҳақида ва низом деб номланиб, таркибида Н.К. Шведовнинг Туркистон генерал-губернатори С.М. Духовскойга хати, Императорлик Шарқшунослик жамиятининг ташкил этилиши ва Тошкентда бўлим очилиши ҳақида ҳужжат, Императорлик Шарқшунослик жамияти низоми, В.Ф. Ошанин томонидан ёзилган маълумотнома. Тошкент бўлими очилиши тўғрисида, Жамия низомига шарҳ, Тошкент бўлими азолари рўйхати ва имзоси (хабар олганликлари тўғрисида), Туркистон генерал-губернаторининг Н.К. Шведовга хати. Жамият очилиши ҳақида ҳисобот хати, Тошкент бўлимининг дастури, Низом ва аъзолар рўйхати, хабарнома, хатлар ва ёзишмалар бор[2].

Фонддаги учинчи рақамли сақлов бирлиги (жами 291 варақ) Рус-тузем мактабларида рус тили курсларини ташкил этилиши ҳақида деб номланиб, таркибида майда хатлар, квитанциялар, йиғилиши баённомалари, ўқитувчиларнинг дарс ўтганликлари учун пул олганликлари тўғрисида тилхатлар, рус-тузем мактаблари ҳақида маълумотнома, кечки рус тили курслари ҳақида маълумотнома,

[1] ЎзМА И-361-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 3-варақ.
[2] ЎзМА И-361-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд, 1-36-варақлар.

Туркистон генерал-губернаторлиги ҳақидаги мақолалар тўплами, Н.К.Шведовнинг Тошкентда тилларни ўрганувчи олий ўқув юрти очиш ҳақидаги хати, Каспий орти вилоятидан Шарқшунослик жамияти Тошкент бўлими кутубхонасига китоб жўнатганлиги тўғрисида маълумотнома, Тошкентда очилиши режалаштирилган шарқ тиллари институти лойихаси низомини ишлаб чиқиш бўйича тузилган комиссия йиғилиши баённомаси, Кечки курслар ҳужжатлари, Рус-тузем мактабларининг очилиши ҳақидаги ҳужжатлар, ҳисобот, хат ва ёзишмалар бор[1].

Фонддаги тўртинчи рақамли сақлов бирлиги (жами 10 варақ) Жамият йиғилишлари баённомалари, маҳаллий аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш ҳақида деб номланиб, таркибида хабарнома (1904 йил 5 октябр куни жамиятнинг йиғилиши ҳақида), Жамиятнинг 1904 йил 27 ноябрдаги йиғилиш баённомаси, Ягеллонинг "Вечерние курсы для взрослых туземнего" мақоласи ва бошқа хатлар бор[2].

Фонддаги бешинчи рақамли сақлов бирлиги (жами 101 варақ) хатлар, ёзишмалар ва ҳоказолар деб номланиб, таркибида Туркистон харбий топография бўлими бошлиғининг Е.О. Мацевскийга карталар хақидаги хати, Аёллар рус тузем мактабларининг ҳисоботи, Тошкент шаҳридаги эркаклар ва аёллар ўқув юртлари маълумотлари, Туркистон генерал-губернатори девонхонасидан Ягеллога молиявий масаладаги хат, Мактаб мадрасалар тўғрисида маълумотнома, Кечки курсларда ўқиган маҳаллий талабалар ҳақида маълумот, ариза ва бошқа хатлар бор[3].

Фонддаги олтинчи рақамли сақлов бирлиги (жами 43 варақ) баённомалар деб номланиб, таркибида Тил курслари ҳақида маълумотлар, қоралама асл нусхадаги баённомалар мавжуд.

Фонддаги еттинчи рақамли сақлов бирлиги (жами 2 варақ) Н.П. Остроумовнинг К.К. Ивановга Россия учун мусулмон масалаларининг аҳамияти ҳақидаги маърузаси деб номланиб, таркибида ушбу маъруза келтирилган.

Фонддаги саккизинчи рақамли сақлов бирлиги (жами 17 варақ) вақф масалалари бўйича ёзишмалар деб номланиб, таркибида вақфга оид адабиётлар ҳақида, нашрётдан хат, молиявий масала, баённома нусхаси ва бошқа шу каби маълумотлар бор.

---

[1] ЎзМА И-361-фонд, 1-рўйхат, 3-йиғмажилд, 59-286-варақлар.
[2] ЎзМА И-361-фонд, 1-рўйхат, 4-йиғмажилд, 1-4-варақлар.
[3] ЎзМА И-361-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғмажилд, 5-87-варақлар.

Фонддаги тўққизинчи рақамли сақлов бирлиги (жами 60 варақ)да тил курслари ҳақида маълумотлар деб номланиб, таркибида кечки курслар ҳақида маълумотлар, исломшунослик бўйича Тошкент ҳарбий йиғинида ўқилган маърузалар рўйхати ва маълумотлар, китоблар алмашинуви тўғрисида маълумот, хабарномалар ва ёзишмалар бор[1].

Фонддаги ўнинчи рақамли сақлов бирлиги (жами 15 варақ) Император Шарқшунослик жамияти билан Н.П. Остроумов ёзишмалари деб номланиб, таркибида Императорлик Шарқшунослик жамияти Н.П. Остроумовдан Ўрта Осиёда ислом дини бўйича Туркистон генерал-губернаторлигида нашр қилинган материаллардан нусхалар жўнатишини сўраган хат, Императорлик Шарқшунослик жамияти Н.П. Остроумовга китоблар юборганлиги учун миннатдорчилик хати, қоралама ариза ва хатлар бор[2].

Фонддаги ўн биринчи рақамли сақлов бирлиги (жами 5 варақ) “Мир ислама” журналини нашр қилиш бўйича ёзишмалар деб номланиб, таркибида “Мир ислама” журналини ташкил этиш ва унинг тузилиши ҳақидаги ҳужжат, Н.П. Остроумовга “Мир ислама” журналига чиққан мақолалар учун қалам ҳақи (75 рубль) тўлови ҳақидаги ҳужжат, ҳамда Н.П. Остроумовнинг жавоб хатлари мавжуд[3].

Фонддаги ўн иккинчи рақамли сақлов бирлиги (жами 2 варақ) Вестник ва Востоковедения ҳақида деб номланиб, таркибида Н.П. Остроумовнинг Шведовга хати, ҳамда журналнинг биринчи 9 та сонини Тошкентга юборилиши[4]. Ўн учинчи рақамли сақлов бирлигида эса (жами 4 варақ) Евроосиё халқларининг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотлар мавжуд[5].

Шарқшунослик жамияти Тошкент бўлими фаолияти ва тарихини тадқиқ этиш Ўрта Осиёда шарқшунослик соҳаси тарихини ўрганиш учун асос бўлади.

И-591 фонди – Ўрта Осиё илмий жамияти. Ушбу жамият 1869 йили Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфманнинг рухсати билан Тошкент шаҳрида А.П. Федченко бошчилигидаги

[1] ЎзМА И-361-фонд, 1-рўйхат, 9-йиғмажилд, 18, 29-35-варақлар.
[2] ЎзМА И-361-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғмажилд, 1-2-варақлар.
[3] ЎзМА И-361-фонд, 1-рўйхат, 11-йиғмажилд, 1-5-варақлар.
[4] ЎзМА И-361-фонд, 1-рўйхат, 12-йиғмажилд, 2-варақ.
[5] ЎзМА И-361-фонд, 1-рўйхат, 13-йиғмажилд, 1-4-варақлар.

бир гуруҳ олимлар томонидан ташкил этилган бўлиб, жамиятнинг мақсади ўлкани ҳар томонлама ўрганиш бўлган. 1872 йилгача фаолият юритган[1]. Фондда ушбу жамият аъзолари йиғилишларининг баённомалари ва уларга оид маълумотлар, илмий маърузалар, шунингдек, жамият томонидан ташкиллаштирилган "ўқишлар"нинг дастури ва лойиҳаси, уни ташкиллаштириш ҳақида ёзишмалар мавжуд[2].

И-591 фондида 1869–1972 йиллар, яъни жамият фаолият юритган даврга доир 6 та сақлов бирлигидан иборат[3]. Улар бир рўйхатга киритилган. Фонддаги сақлов бирликлари 1 дан 6 гача тартиб рақамлари билан белгиланган бўлиб, литерли (ҳарф билан белгиланган) сақлов бирликлари мавжуд эмас. Ушбу фонд "И" (исторический) индекси билан белгиланган бўлиб, шунингдек, ҳамма сақлов бирликларига "ОЦ" (особо ценный) грифи ҳам қўйилган. Барча сақлов бирликлари микрофильмли заҳира нусхаларига эга.

Фонд таркибига кирувчи сақлов бирликларида жамият аъзолари йиғилиши баённомалари ва уларга илова қилинган материаллар, илмий маърузалар, жамиятнинг илмий органи бўлган "ўқишлар"нинг дастурлари лойиҳаси ҳақида ҳужжатлар мавжуд. Шунингдек, сақлов бирликларида жамиятнинг ташкил этилиши билан боғлиқ бўлган турли ёзишмалар ва жамият низоми лойиҳаси, аъзолари рўйхати ва молиявий масалаларга оид маълумотларни берувчи ҳужжатлар бор.

И-591 – фондини ўрганиш жараёнида ҳар бир сақлов бирлиги таҳлил қилинган. Фонддаги биринчи рақамли сақлов бирлигида (жами 10 варақ) жамиятнинг дастлабки тўртта йиғилиш баённомалари мавжуд бўлиб, тўртинчи йиғилиш баённомаси тўлиқ эмаслиги аниқланди[4].

Иккинчи сақлов бирлигида (жами 14 варақ) жамият "ўқишлари" дастури, жамият йиғилиши баённомалари, ушбу йиғилишлардаги маърузаларга оид маълумотлар, жамият аъзоларининг ўлка тарихи ва табиатига оид изланишлари ҳақида маълумотлар ҳамда жамият аъзоларининг рўйхати келтирилган.

Учинчи сақлов бирлигида (жами 20 варақ) эса асосан жамият

---

[1] Путеводитель. Центральный государственный исторический архив... – С. 141.

[2] Ўша жойда.

[3] ЎзМА И-591-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 1-варақ.

[4] ЎзМА И-591-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 10-варақ.

фаолиятини ташкиллаштиришга оид ҳужжатлар мавжуд. Хусусан Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфманга ўлкадаги бир гуруҳ олимлар ва тадқиқотчилар томонидан илмий жамиятни очиш зарурлиги тўғрисидаги мурожаатнома ва унга қайтарилган жавоб, жамият низомининг лойиҳаси ва ташкилий масалаларга оид бошқа ҳужжатлар мавжуд[1].

Тўртинчи сақлов бирлигида (жами 12 варақ) ўлка ва метрополияда турли масъул шахслар, амалдорлар билан ёзишмалар ҳамда мурожаатномалар жамият фаолиятини йўлга қўйишга оиддир[2].

Бешинчи сақлов бирлиги таркибида (жами 106 варақ) жамият "ўқишлари"нинг дастури, Ўрта Осиёда узумчиликка бағишланган илмий малумотлар, бахшилар томонидан куйланадиган қўшиқлар шеърларининг намуналари араб графикасидаги ўзбек тилида ва уларнинг рус тилига қилинган таржималари мавжуд[3]. Ушбу сақлов бирлигида жамият йиғилишлари баённомалари ҳамда уларнинг қоралама нусхалари ҳам мавжуд.

Олтинчи сақлов бирлигида (жами 12 варақ) асосан жамият аъзоларининг рўйхати (босма нашр этилган рўйхат 10 нусхада мавжуд) келтирилган[4]. Ушбу рўйхатда келтирилган аъзолар сони жами 92 та бўлган.

Ушбу жамиятларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи турли ҳужжатлар (низом, баённома, буйруқ, фармон ва ҳ.к.)да баъзи ҳолларда бевосита, баъзида эса билвосита Россия империясининг сиёсий мақсадлари ва манфаатлари йўлида жамиятлар томонидан бажарилиши керак бўлган вазифалари белгилаб қўйилган.

Юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, Туркистонда фаолият юритган илмий жамиятлар ўз хусусиятига кўра кўп қиррали бўлган. Улар фаолияти натижаси акс этган архив ҳужжатларида ўлка тарихи, илм-фан ва маданиятининг ривожига доир муҳим маълумотлар мавжуд. Уларни тизимли таҳлил этиш, танқидий ёндашиш орқали кенг кўламда фойдаланиш лозим.

---

[1] ЎзМА И-591-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 2-12-варақлар.
[2] ЎзМА И-591-фонд, 1-рўйхат, 4-йиғмажилд.
[3] ЎзМА И-591-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғмажилд, 43-51-варақлар
[4] ЎзМА И-591-фонд, 1-рўйхат, 6-йиғмажилд, 3-12-варақлар.

III. ҲУЖЖАТЛАР ТАСНИФИ, ТУРЛАРИ ВА ҲОЛАТИ

Архив ҳужжатлари ижтимоий маълумотларнинг ажралмас ва тўлиқ баҳоланмаган манбаи ҳисобланган учун олимлар уларга тез-тез мурожаат қилишади ва қимматли материалларнинг манбавий таҳлили орқали тарихнавислик учун маълумотларга эга бўлишади. Айниқса, архив материаллари тарихий тадқиқотларда кенг қўлланилади.

Ҳужжатларни таҳлил қилиш асосий ахборотни йиғиш ва таҳлил қилишнинг кенг қўлланиладиган ва самарали усулларидан бири ҳисобланади. Турли даражадаги архив ҳужжатларда инсон фаолияти жараёнлари ва натижалари ҳақида қимматли маълумотларни олиш мумкин.

ЎзМАдаги мавзуга доир фондлар ҳужжатларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- босма (ҳукумат ва маҳаллий органларнинг баённомалари, қарорлари, ҳисоботлари ва илмий-услубий характердаги нашрлар, иш режалар, хатлар);
- қўлёзма (хулосалар, графикалар ва келишувлар, қоралама хатлар).

Ҳар бир ҳужжат бир вақтнинг ўзида бир нечта белгилар билан ифодаланиши мумкин.

Ҳужжатлар нафақат оғзаки ифода (матн ҳужжат), балки рақамли (статистик ҳужжат) бўлиши мумкин. Статистик ҳужжатлардан фойдаланиш таҳлилни янада ишончли қилади, унинг ҳақиқий илмий асосини таъминлайди.

Бугунги кунда ҳаётимизни расмий ҳужжатларсиз тасаввур этиш қийин. Ҳужжатлар жамият, давлат ва шахсий муносабатлар жараёнида вужудга келади. Аммо ҳужжатларнинг тарихий манба бўлиб шаклланишида ҳам маълум бир босқичлар мавжуд. Архивларда сақланаётган ҳужжатлардан кам қисми доимий сақлаш учун қабул қилинади. Қабул қилинган ҳужжатларнинг ҳаммаси ҳам тарихий манба сифатида намоён бўла олмайди. Улар жамият томонидан илмий истеъмолга киритилсагина тарихий манба ҳисобланади. Архив ишида маълум бир босқичдан сўнг манбашунослик жараёнига ўтилади. Бу вақтда ҳужжатнинг қиммати деган тушунча юзага келиб, бу тушунча ҳужжатнинг манбавий аҳамиятини очиб беради. Архив ҳужжати ва тарихий манбанинг фарқини ажратишда ҳужжатнинг

асллиги, тарихийлиги ва бошқа кўпгина муҳим жиҳатлари инобатга олинишининг боиси, бугунги кунда архив ҳужжати ва тарихий манба атамалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Манбашунос олимлар "ҳар қандай ҳужжат ўтмиш ҳақида маълумот берувчи манба бўла олиши мумкин"[1] ёки "архив ҳужжати қачонки, оммалашиб, машҳур бўлса ва ундан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланиш мумкин бўлганда у тарихий манба бўлиши мумкин"[2] деган фикрни илгари суришади.

Ҳозирги замонавий иш юритиш қоидалари асосида архив таркибидаги ҳужжатларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Фармойиш ҳужжатлари.
2. Ташкилий ҳужжатлар.
3. Маълумот-ахборот ҳужжатлари.
4. Хизмат ёзишмалари[3].

Туркистонда фаолият юритган илмий жамиятлар ҳужжатлари мужассамлашган архив фондларини қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

– биринчи гуруҳ –декрет, қонун, фармойиш циркуляр, резолюция, буйруқ, қарор, йўриқнома, кўрсатма ва бошқалар.

– иккинчи гуруҳ – инструкция, дастур, низом, шартнома, смета ва бошқа ҳужжатлар.

– учинчи гуруҳ – ҳисобот, баённома, далолатнома, оператив маълумот, статистик маълумот, мажлис баённомалари.

Юқоридагилар ичида ҳисоботларнинг ўзини ҳам бир неча туркумга ажратиш мумкин. Масалан, стенографик ҳисоботлар, маърузалар, картограмма, диаграммалар шулар жумласидандир.

Архив жамғармалари таркибидаги қоғоз ҳужжатларнинг ҳолати таҳлил этилганда, уларнинг қоғоз, сиёҳи, ёзув қуролларига ҳам этибор бериш керак.

Жамият фаолияти ҳақида қисқача тарихий очерк, ҳисобот, молиявий ҳисобот каби аксарият ҳужжатлар жадвалли кўринишли махсус типографияда ишлаб чиқарилган ҳисоб варақларидан

[1] Медушевская О. М. Источниковедение: теория, история, метод. – Москва: Рос. гос. гуманит. ун-т, 1996. – С. 80.

[2] Козлов В. П. О некоторых современных теоретико-методологических проблемах архивоведения и источниковедения. // Отечественные архивы. – Москва: 1995. № 2 – С. 5–9.

[3] Аминов М., Мадвалиев А. Иш юритиш. – Тошкент, 2000. – Б. 11–42.

иборат бўлиб, узунлиги 27 см, эни 23 см. Бундан ташқари узунлиги 12 см, эни 22 см ва узунлиги 16 см эни 13 см кичик ўлчамдаги ҳисоб варақлари ҳам бўлган. Хабарномалар ёзилган қоғозларнинг узунлиги 17,5 см, эни 12 см. Фондлар таркибидаги ҳужжатларнинг ўлчамлари турлича бўлган. Масалан, узунлиги 22 см, эни 19 см; узунлиги 18 см, эни 21 см; узунлиги 28 см, эни 22 см; узунлиги 35 см, эни 23; узунлиги 21 см, эни 15 см; узунлиги 27 см, эни 23 см ўлчамдаги қоғозларни ташкил қилган.

Берлиндан келган хатнинг узунлиги 29 см, эни 21 см бўлган[1]. Хориждан келган хатларнинг аксарияти машинкада терилган.

Архив ҳужжатлари қоғозлари сифатли оқ қоғозлар бўлиб, XIX асрда ишлаб чиқарилган. Ҳужжатларнинг буйруқ, буйруқдан кўчирма, баённома, ҳисобот турларида мансабдор шахсларнинг имзолари сиёҳли ручкада қўйилган. Сиёҳлар кўк, қора рангларда учрайди. Баъзи телеграмма ҳужжатларида қизил сиёҳда имзо қўйилганлигини кўришимиз мумкин.

Архив ҳужжатларида тўқ кулранг, кўк, бинафша, қора раглардан фойдаланилган. Аксарият ҳужжатлар қўлда ёзилган, фонд таркибидаги айрим ҳужжатлар машинкада терилган. Машинкада терилган ҳужжатларнинг бинафша рангда ёзилган матнлари яхши сақланмаганлиги, хиралашиб кўримсиз ҳолга келган. Қора рангдаги матнлар эса яхши сақланган.

Йиғмажилдларнинг сақланиш ҳолати ва муқовалари анча эскириб қолганлиги сабабли қайта таъмирлаш бўлими томонидан замонавий муқоваларга алмаштирилган, аммо таъмирланмаган йиғмажилдлар ҳам бор.

Архив йиғмажилдлари ташқи томондан таҳлил этилганда, аксарият йиғмажилдларнинг жилди қалин бўлиб, яхши сақланган, уларнинг қалинлиги 0,3 см, бўйи 38 см, эни 23 см бўлиб, ундаги ҳаворанг ёзувлар хиралашган бўлса, қора рангдаги ёзувлар аниқ ва яхши сақланган[2].

Туркистондаги илмий жамиятларга тегишли ҳужжатлар орасида машинкада терилганлари қўлёзма ҳужжатларга нисбатан кўпроқни ташкил қилади. Илк машинка ёзувлари 1887 йилда ёзув машинкаси кашф этилгандан сўнг пайдо бўлган. Шундан сўнг кўпгина

[1] ЎзМА И-69-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғмажилд, 102-103- варақлар.

[2] ЎзМА. И-69, И-71, И-103, И-369, И-591 фондлар йиғмажилдлари таҳлили.

қимматли ҳужжатлар ёзув машинкасида ёзилган. Туркистон илмий жамиятларига тегишли фондлар таркибидаги печат машинкасида ёзилган матнлардаги катта ҳарфлар 0,3 см, кичкина ҳарфлар 0,2 см ўлчовига тенг (ҳозирги Microsoft Word дастурининг 14 кеглли шрифтига тўғри келади).[1]

Шу маънода манбаларни ташқи белгилари моддий-техник маълумотларига қараб таҳлил этилганда[2] ЎзМАда архив ҳужжатларнинг микрофильмлаштирилган суғурта нусхаларини яратиш ишлари 1964 йилдан бошлаб амалга оширила бошлаган[3]. Ҳужжатларнинг микрофильмлаштирилган нусхалари архивда сақланаётган ҳужжатлар асосида уларни микрографик фототасмага тушириш орқали амалга оширилган. Микрофильмлаштирилган ҳужжатларнинг фототасмага туширилган бўйи 3,5 см, айланаси 12,5 см бўлган алюмин идишларда сақланади. Баъзи идишлар сал каттароқ бўлиб, уларнинг айланаси 15,5 см. Микрофильмлаштирилган ҳужжатларнинг боши ва охири қисмидан 25 смдан 35 см гача кадрлар бўш бўлиб, ҳужжатдан фойдаланиш жараёнида уларга зарар етиши ҳам ҳисобга олинган. Фотоҳужжатлардаги кадрлар йиғмажилднинг варақлари сонига қараб, кетма-кетликда жойлаштирилган, ҳажми катта баъзи йиғмажилдлар узунроқ ёки иккита фотопленкаларда жойлаштирилган. Ушбу ҳужжатлардаги маълумотларни ЎзМАда мавжуд бўлган 5-ПО-1 экран қурилмасида кўриш мумкин. И-69 фонди микрофильмлаштирилган. Унда қишлоқ хўжалигига оид статистик маълумотлар мавжуд.

Микрофильмлаштирилган ҳужжатлар қоғоз ҳужжатларнинг суғурта нусхаси бўлиб, уларни яратишдан мақсад ҳужжатларнинг асл нусхаларини сақлаш муддатини янада узайтиришдир. Бир неча ўн йиллар илгари ноёб ҳужжатларнинг суғурта фондлари яратишнинг ягона йўли микрофильмлаштириш воситасидагина амалга оширилган. Микрофильмлаштирилган ҳужжатларнинг

[1] Чориев Ш.Ш. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви жамғармалари – Туркистон АССРдаги иқтисодий жараёнларни ёритувчи манба сифатида. PhD дисс... автореферати. – Тошкент: 2018. – Б. 11.

[2] Манбаларни ташқи белгилари моддий-техник маълумотлари деганда қўлёзма китоб ёхуд ҳужжат битилган қоғознинг ўлчами, қоғози, варақлар сони, муқоваси, матн ўлчами, хати, сиёҳи, муаллифи... назарда тутилади. Қаранг: Мадримов А.А., Фузаилова Г.С. Тарихий манбашунослик. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 17.

[3] URL: www.archive.uz/. Новости архивов Узбекистана, 21.10.2010.

камчиликларидан бири шундаки, ундан тадқиқотчи нусха кўчира олмайди ва ҳужжат шаклини катта ёки кичик кўринишига ҳам келтира олмайди.

Ҳужжатларни таҳлил қилишнинг умумий усуллари анъанавий (тушуниш, сезги, тушуниш) ва расмийлаштирилган ҳужжатлар мазмунини ўрганишнинг объективлигини оширишга қаратилган.

Энг кенг тарқалган контент таҳлил қилиш усули (контентни таҳлил қилиш). Унинг моҳияти ҳужжат матнида ҳар қандай асосий тушунчалар ёки бошқа бирликларни ажратиш, кейинчалик улардан фойдаланиш билан боғлиқ. Хулоса қилиб айтганда, илмий-услубий адабиёт ва ҳужжатли материалларни таҳлил қилиш самарадорлиги асосан тадқиқотчининг ушбу ишни қанчалик жиддий қабул қилишига боғлиқ.

Ҳужжатларни таҳлил қилиш асосий ахборотни йиғиш ва таҳлил қилишнинг кенг қўлланиладиган ва самарали усулларидан бири ҳисобланади.

Ҳужжатларни ташқи ва ички ўрганиш ахборотнинг ишончли ёки ишончсизлигини аниқлаш воситаси сифатида қўлланилади. Ташқи таҳлил – бу ҳужжатнинг ҳолатини ўрганишдир. Ички таҳлил – ҳужжатнинг мазмунини ўрганиш. Манба матни ҳужжат хабар берган объектив жараёнлар ва ҳодисалар билан ифодаланади. Статистик материалларни таҳлил қилиш ҳар қандай кўрсаткичларнинг динамикасини аниқлаш, ёки турли муассасалар томонидан тўпланган маълумотларни солиштириш ва бошқа бир қатор ҳолатларда жадвалларни тузишни ўз ичига олади.

Архивларга мурожаат қилиш керак бўлган ҳар бир тарихчи олдида турган энг қийин муаммо муайян йўлни, тадқиқот усулларини аниқлашдир. Ҳар доим керакли ҳужжатлар ихчам шаклда архив фондини ташкил этмайди. Кўпинча тадқиқотчи қидирув муаммоларини ҳал қилиши керак ва бу ерда архив эвристикаси, яъни архивда илмий асосланган, мақсадли, режалаштирилган изланишнинг моҳияти аниқ бўлиши назарда тутилган. Архивнинг эвристикаси тадқиқотчининг умумий тарихий ва илмий билимига асосланган.

Белгиланган ҳужжат билан бажарилиши керак бўлган кейинги жараён уни ўқишдир. Қадимги қўлда ёзилган матнни ўқиш ҳар доим ҳам осон эмас ва бу иш махсус кўникмаларни талаб қилади. Қадимги ҳужжатни ўқимоқчи бўлган тадқиқотчидан палеография

асосларини билиш, эски ёзув усуллари ва умуман ёзма манбаларнинг ташқи белгиларини ўрганган ёрдамчи тарихий кўникма талаб қилинади. Рус матнлари учун XVII — XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг бошларида ёзилган матнларни ўқиш жуда қийин[1].

Биринчидан, ўрганилаётган мавзуларнинг кўпчилигига оид архив материаллари асосий манба ҳисобланади, чунки тадқиқотчи, одатда, нашр қилинган асарларда ҳали ёритилмаган ёки қисман текширилмаган мавзусини танлашга ҳаракат қилади.

Иккинчидан, архивлардаги тарихий манбаларни кутубхоналардаги нашрлардан кўра қўлёзмалардан топиш қийинроқ, чунки архивларнинг илмий-маълумотнома аппарати ҳар бир архив ҳужжатининг мазмунини тўлиқ акс эттира олмайди, яъни ҳар бир тадқиқотчининг шахсий сўровларини ҳисобга ололмайди.

Учинчидан, архивлар ҳар доим ҳам тадқиқ этилаётган муаммо манбалари ҳақида тўлиқ тасаввур бера олмайди. Материалларни излаш учун тарихчи турли шаҳарларда, баъзан ва мамлакатларда жойлашган кўплаб архивларга мурожаат қилишга мажбур.

Тўртинчидан, архив материалларидан фойдаланган олимлар изоҳлари тадқиқотчи томонидан аниқланган манбаларни янада пухта ва танқидий таҳлил қилишни талаб этади.

[1] Личные архивные фонды в государственных хранилищах СССР: Указатель. Т. 1-2. – М., 1962-1963.

ХУЛОСА

Туркистон ўлкасида фаолият юритган илмий жамиятлар ўз хусусиятига кўра хилма-хил ва кўп қиррали бўлган. Улар иккиламчи мақсадда тузилган бўлиб, ўлкадаги рус маъмурияти ёки фуқаролик муассасаларида фаолият юритган зиёлилар, ўлка тадқиқотчилари ушбу жамиятларни тузилишидан фақатгина илмий мақсадларни кўзлашган ва бунга эришишган. Иккинчи тарафдан, ўлка маъмурияти, метрополия амалдорлари, ҳарбийлар асосан бу жамиятларнинг вазифаси сифатида Туркистонни Россия империяси давлатчилик тизимига тезроқ интеграция қилиниши, уни империянинг ажралмас бўлаги сифатида сақланиб қолиниши, маҳаллий халқларни империянинг содиқ фуқароларига айланишида воситачилик қилишда деб билишар эди. Қолаверса, Россия империяси ҳарбийлари ва сиёсатчилари ушбу жамиятларга келажакда империяни Шарқ мамлакатларига кириб боришини таъминловчи қурол сифатида қарашар эди.

Илмий жамиятларни рус давлатчилиги манфаатлари йўлида хизмат қилишини таъминлаш учун аввало, ушбу жамиятларни тузиш ишларига ўлкадаги ёки йирик амалдорларни бош қилишар, кейинчалик улар номинал равишда ушбу жамият бошлиғи (раиси ва ҳ.к.) этиб тайинланар эди. Қолаверса, ўлкада фаолият юритган жамиятлар аъзолари таркибининг таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу жамиятлар фаолиятини керакли йўналишга буриш ва бошқарувни енгиллаштириш учун аъзоларнинг кўпи ўлкада фаолият юритувчи ҳарбийлар, амалдорлар бўлган.

Шунингдек, юқорида келтирилганидек, ушбу жамиятларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи турли ҳужжатларда (низом, буйруқ, фармон ва ҳ.к.) баъзи ҳолларда бевосита, баъзида эса билвосита Россия империясининг сиёсий мақсадлари ва манфаатлари йўлида жамиятларни бажариши керак бўлган вазифалари белгилаб қўйилган.

Туркистон генерал-губернаторлигида фаолият юритган илмий жамиятлар турли кўринишда, турли йўллар билан метрополия ва унинг маҳаллий маъмурият томонидан қўйилган сиёсий вазифаларни бажарган. Аммо уларни аксарияти ўз номидан келиб чиқиб илмий йўналишда ҳам муҳим натижаларга эришишган. Хусусан, жамият аъзолари ўлканинг табиати, географияси, тарихи,

маданиятини илмий жиҳатдан ўрганган дастлабки тадқиқотчилар сифатида илм-фан учун кўплаб кашфиётларни амалга оширишган.

Туркистонда фаолият юритган илмий жамиятларни ўрганиш натижасида тарихий-географик ҳужжатлар акс этган ЎзМАда сақланувчи 5 та фонд аниқланди. Уларда илмий жамиятларнинг фаолиятига доир асосий маълумотлар келтирилган бўлиб, ушбу ҳужжатлар Туркистонда илм-фаннинг ривожланиши ва ўлкани ўрганилиши тарихига доир муҳим манбалар ҳисобланади.

Уларни манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этиш қуйидаги хулосаларга асос бўлди:

илмий жамият ва ташкилотлар фондларида археологик тадқиқотларга доир маълумотларни акс этган архив фондлари орасида ўнлаб ҳужжат турлари мавжуд бўлиб, уларда нафақат археологик маълумотлар, балки этнологик, лингвистик, эпиграфик, медиавистик, генеалогик, нумизматик ва бошқа тадқиқотларни акс этган ҳужжатлар сақланганлиги билан аҳамиятлидир;

Туркистон генерал-губернаторлигида олиб борилган тарихий, этнографик тадқиқотларга доир маълумотлар, Ўрта Осиёнинг тарихи, географияси, статистикаси, этнографияси, табиий бойликлари, савдо ва саноатига оид маълумотларни, Шарқ мамлакатларида рус тилини ўргатиш ва руслар орасида ҳам шарқ тилларини ўрганишга доир ҳужжатлар, этнографик саёҳатлар, маҳаллий аҳолининг яшаш турмуши, ҳамда маҳаллий мактаблар ҳақида маълумот берувчи ҳужжатларни ўрганиш мақсадга мувофиқ;

ўлка географияси ва топографиясига оид илмий экспедициялар, аъзоларнинг тадқиқотлари ва хисоботлар, ташкил этилган тадбирлар тафсилотлари, умумий мажлисдаги чиқишлар, илмий асар ва мақолаларнинг библиографияси, расмий ҳужжатлар, аъзолик бадали, нашр ишлари, харажатлар, сайловлар, ташкилий масалалар, халқаро алоқалар, географик тадқиқотларнинг натижалари акс этган ҳисобот маърузалари эътиборга молик бўлиб, уларда тарихий-географик маълумотлар мавжуд.

Тадқиқот натижалари қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш имконини берди:

1. ЎзМАда йўлкўрсаткич ва фондлар рўйхатларини давлат тилида нашр этиш, архивда сақланаётган махфий ҳужжатлардан махфийлик тамғасини олиш мезонларини қайта ишлаб чиқиш, микрофильмлаштирилган архив ҳужжатларидан фойдаланишда илмий

маълумотнома-аппаратини шакллантириш.

2. Қоғозли ҳужжатларнинг сақланиш ҳолатини яхшилаш, уларни сақлаш сифатини ошириш, матнларни тиклаш ишларини кучайтириш.

3. Сақланаётган қоғозли ҳужжатларни келажак авлодга етказиш ва умрини узайтириш мақсадида фонд, рўйхат, йиғмажилд ва йиғмажилд таркибидаги ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратиш мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АРХИВ ФОНДЛАРИ ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июндаги ЎРҚ-252-сон “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги ПФ-5834-сонли “Ўзбекистон республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги ПҚ-4463-сонли “Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” ги Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сонли “Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 августдаги 194-сонли “Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сонли “Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174 сонли “Архив иши ва иш юритиш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174 сонли “Архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 августдаги 495-сон “Архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” Қарори.

II. АРХИВ ФОНДЛАРИ

1. ЎзМА И-69 – Императорлик рус География жамиятининг Туркистон бўлими фонди.
2. ЎзМА И-71 – Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги фонди.
3. ЎзМА И-103 – Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти фонди.
4. ЎзМА И-361 – Император шарқшунослик жамиятининг Тошкент бўлими фонди.
5. ЎзМА И-591 – Ўрта Осиё илмий жамияти фонди.

III. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аминов М., Мадвалиев А. Иш юритиш. – Тошкент, 2000.
2. Бартольд В.В. Новое научное общество в Ташкенте / Сочинения. Т. IX. – М.: Наука, 1977.
3. Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан // ЗВОРАО. Т. XV. – СПб., 1904.
4. Бартольд В.В. Сочинения. Т. 1. – М.: Наука, 1963.
5. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. – Ташкент: Эл.-паров. типо-лит. О.А. Порцева, 1912.
6. Донцова З.Н. Туркестанский отдел русского географического общества в дореволюционный период (1897–1917 гг.): Дис... канд. геогр. наук. –Ташкент: САГУ, 1951.
7. Козлов В.П. О некоторых современных теоретико-методологических проблемах архивоведения и источниковедения. // Отечественные архивы. – М: 1995. № 2
8. Личные архивные фонды в государственных хранилищах СССР: Указатель. –Т. 1-2. – М., 1962-1963.
9. Лунин Б.В. Научные общества Туркестана и их прогрессив-

ная деятельность. Конец XIX – начало XX века. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1962.

10. Лунин Б.В. Из истории русского востоковедения и археология в Туркестане. Туркестанский кружок любителей археологии (1895-1917 гг.). – Ташкент: Изд-во АН Узбекской ССР, 1958.

11. Лыкошин Н.С. Очерк археологических изысканий в Туркестанском крае до учреждения Туркестанского Кружка любителей археологии// Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского Кружка любителей археологии. I. 1896.

12. Мадримов А.А., Фузаилова Г.С. Тарихий манбашунослик. – Тошкент: Фан, 2006.

13. Медушевская О.М. Источниковедение: теория, история, метод. – М.: Рос. гос. гуманит., 1996.

14. Муминов И.М. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане конца XIX – начала XX вв. Ташкент: Госиздат, 1957.

15. Назаров А. ЎзМА И-69 фонди – Ўрта Осиёдаги тарихий-географик тадқиқотлар бўйича муҳим манба// Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XV илмий-амалий конференцияси тезислари тўплами. – Тошкент, 2018. – Б. 25-27.

16. Назаров А. Ё. ЎзР МДАнинг Туркистондаги илмий жамиятлар ва ташкилотларга доир фондлари ҳақида// ЎзМУ хабарлари. 2018. №1. –Б. 32-35

17. Саидбобоев З. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар (XVI–XIX асрлар). – Тошкент.: Фан. 2008.

18. Самарканд тарихи. I том. – Тошкент: “Фан”, 1971.


19. Центральный государственный исторический архив УзССР. Путеводитель. Сост. Агафонова З.И., Халфин Н.А. 1948.

20. Чориев Ш.Ш. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви жамғармалари – Туркистон АССРдаги иқтисодий жараёнларни ёритувчи манба сифатида. PhD дисс... автореферати. – Ташкент. – Ташкент: 2018. 22 б

21. Шишкин В.А. Обсерватория Улугбека и эго исследование // Труды Института истории и археологии АН УзССР. Т. 5. –Ташкент, 1953.

ИЛОВАЛАР

И-69-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд, 91-варақ.



91

Отпечатать 91 шт.

На подлинномъ написано: „На основаніи п. 2 Высочайше утвержденнаго 20 мая 1896 года мнѣнія Государственнаго Совѣта, утверждаю".

Министръ Внутреннихъ Дѣлъ
(подписалъ) *Горемыкинъ*.
19 декабря 1896 года.

ПОЛОЖЕНІЕ

о Туркестанскомъ Отдѣлѣ ИМПЕРАТОРСКАГО Русскаго Географическаго Общества.


§ 1.

Для успѣшнаго содѣйствія цѣли Императорскаго Русскаго Географическаго Общества по изслѣдованію обширныхъ областей, входящихъ въ составъ Туркестанскаго генералъ-губернаторства, учреждается особый отдѣлъ Общества въ городѣ Ташкентѣ, подъ наименованіемъ Туркестанскаго.

§ 2.

Туркестанскій отдѣлъ Императорскаго Русскаго Географическаго Общества, подъ ближайшимъ руководствомъ Туркестанскаго генералъ-губернатора, занимается преимущественно изученіемъ указанныхъ въ предшествующемъ § областей, а равно и странъ съ ними сопредѣльныхъ, во всѣхъ тѣхъ отношеніяхъ, которыя составляютъ пред-

И-69-фонд, 1-рўйхат, 30-йиғмажилд, 111-варақ




к которым обратится г. Давыдов, оказывать ему всякое содействіе для успѣшнаго выполненія возложенной на него научной задачи, — описанія мѣстности и собиранія естественно-историческихъ коллекцій. Свидѣтельство это по окончаніи научной экскурсіи должно быть возвращено въ Туркестанскій Отдѣлъ Императорскаго Русскаго Географическаго Общества.


За Предсѣдательствующаго Туркестанскаго Отдѣла Заместитель его Статскій Совѣтникъ

Правитель дѣлъ


И-69-фонд, 1-рўйхат, 13-йиғмажилд, 204-варақ



И-71-фонд, 1-рўйхат, 4-йиғмажилд, 16-варақ



И-71-фонд, 1-рўйхат, 8-йиғмажилд, 24-варақ



И-361-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд, 3-орқа варақ

е) Издаетъ сочиненія на русскомъ языкѣ по всѣмъ отраслямъ Востоковѣдѣнія или содѣйствуетъ ихъ изданію, а также назначаетъ конкурсы съ выдачею премій за таковыя.

ж) Печатаетъ протоколы засѣданій, прочитанные доклады, отчеты о дѣятельности и финансовомъ положеніи Общества.

з) Имѣетъ свой повременный органъ, въ содержаніе коего входятъ преимущественно свѣдѣнія по коммерческой географіи и хозяйству Востока.

и) Открываетъ библіотеки и читальни, и

і) По мѣрѣ надобности и въ зависимости отъ своихъ средствъ, снаряжаетъ экспедиціи въ различныя страны Востока для облегченія сбыта русскихъ товаровъ, путемъ изученія потребностей и вкуса жителей восточныхъ странъ, а равно торгово-промышленныхъ условій Востока.

Такова программа дѣятельности Общества, намѣченная уставомъ, при чемъ ей предоставляется, какъ въ предѣлахъ Россіи, такъ и внѣ ея, право пріобрѣтать въ собственность, какъ равно и отчуждать, движимое и недвижимое имущество, нанимать нужныя для него помѣщенія, эксплоатировать принадлежащее ему имущество всѣми хозяйственными способами, и вообще вступать во всякаго рода дозволенные закономъ договоры.

Общество состоитъ изъ членовъ: *почетныхъ*, *попечителей* (вносящихъ въ кассу Общества единовременно не менѣе 5000 р. или ежегодно не менѣе 500 р.), *дѣйствительныхъ* (вносящихъ единовременно не менѣе 100 р. или ежегодно не менѣе 10 р.), *сотрудниковъ* (единовременно не менѣе 300 р.) и *сотрудниковъ* (лицъ, изъявившихъ готовность содѣйствовать своими сообщеніями). Общество относится съ благодарностью ко всѣмъ лицамъ, принимающимъ на себя трудъ корреспондировать по вопросамъ, относящимся къ задачамъ и цѣлямъ Общества, т. е. быть *корреспондентами* Общества.

Ближайшее управленіе дѣлами Общества принадлежитъ *Совѣту*, при которомъ образуется три отдѣла для разработки вопросовъ, отвѣчающихъ программѣ Общества, именно:

I. **Торгово-Промышленный**, въ задачи котораго входитъ изслѣдованіе и изученіе экономическаго и торгово-промышленнаго состоянія народовъ Востока, начиная отъ „европейскаго Востока“ и кончая „дальнимъ Востокомъ“, особенно по отношенію къ возможности сбыта русскихъ товаровъ и организаціи с, а равно складовъ, музеевъ, выставокъ и т. п.

II. **Научно-культурный**, въ задачи котораго входитъ ознакомленіе Востока съ Россіей и Россіи съ Востокомъ въ отношеніяхъ научномъ и культурномъ

III. **Образовательный** — имѣетъ цѣлью подготовленіе въ Россіи дѣятелей для Востока (въ будущемъ „Институтъ Востоковѣдѣнія“) и организацію коммерческихъ школъ въ восточныхъ странахъ съ преподаваніемъ русскаго языка, дабы дать возможность восточнымъ народамъ вступать въ непосредственныя

И-361-фонд, 1-рўйхат, 4-йиғмажилд, 1-варақ.

ИЗВѢЩЕНІЕ.

Согласно распоряженія г. Главнаго Начальника края, въ воскресенье, 4 октября сего года, въ 2 часа дня, состоится въ домѣ Генералъ-Губернатора первое послѣ двухлѣтняго бездѣйствія засѣданіе Ташкентскаго отдѣленія общества востоковѣдѣнія для выбора новыхъ должностныхъ лицъ, вмѣсто прежнихъ, полномочія которыхъ истекли два года тому назадъ.

На засѣданіе приглашаются всѣ лица, сочувствующія цѣлямъ общества.

За секретаря отдѣленія *И. Ягелло.*

И-361-фонд, 1-рўйхат, 4-йиғмажилд, 2-варақ.

ПРОТОКОЛЪ № 13.

Въ субботу 27-го ноября 1904 г. подъ предсѣдательствомъ Туркестанскаго Генералъ-Губернатора Генералъ отъ кавалеріи Н. Н. Тевяшова и въ присутствіи Товарища Предсѣдателя Ташкентскаго Отдѣленія Общества Востоковѣдѣнія Ф. М. Керенскаго, секретаря и 8 членовъ Правленія состоялось въ генералъ-губернаторскомъ домѣ засѣданіе Правленія Отдѣленія.

За предсѣдателя Отдѣленія Ф. М. Керенскій доложилъ Правленію, что въ настоящемъ году Ташкентское Отдѣленіе лишилось своего Почетнаго Предсѣдателя въ лицѣ покойнаго Генералъ-Губернатора Н. А. Иванова, и предложилъ Правленію просить Главнаго Начальника края Генералъ отъ кавалеріи Н. Н. Тевяшова принять на себя званіе Почетнаго предсѣдателя Отдѣленія. Его Высокопревосходительство изъявилъ свое согласіе.

Затѣмъ и. д. Предсѣдателя Отдѣленія доложилъ Правленію, что вслѣдствіе служебной перемѣны Генералъ-Лейтенантъ Е. О. Маціевскій слагаетъ съ себя обязанности Предсѣдателя Отдѣленія, и предложилъ Правленію просить Общее Собраніе избрать, согласно § 9 устава, бывшаго Предсѣдателя Отдѣленія, какъ оказавшаго Обществу особыя услуги, въ Почетные Члены Отдѣленія и избрать кандидата на должность Предсѣдателя.


Правленіе постановило предложить Общему Собранію избрать Генералъ-Лейтенанта Е. О. Маціевскаго въ Почетные Члены, а Генералъ-Лейтенанта Сахарова—Предсѣдателемъ Отдѣленія.

Затѣмъ были заслушаны текущія дѣла Отдѣленія:

1. Докладъ секретаря о дѣятельности Отдѣленія за истекшее первое трехлѣтіе со дня открытія Отдѣленія.

Изъ этого доклада Главный Начальникъ края усмотрѣлъ большую заслугу Отдѣленія въ распространеніи изученія русскаго языка среди туземцевъ открытіемъ вечернихъ курсовъ

И-361-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғмажилд, 5-варақ



НАЧАЛЬНИКЪ
ТУРКЕСТАНСКАГО
ВОЕННО-ТОПОГРАФИЧЕСКАГО
ОТДѢЛА.

12 января 1904 г.
№ 98
г. Ташкентъ.

Капитану Ягелло
Его Превосходительству Генералу
Гедеонову
Милостивый Государь
Евгеній Осиповичъ.


Военно-Топографическимъ Отдѣломъ Штаба Туркестанскаго военнаго Округа, за время его существованія, изданы двѣ общія карты края, изъ коихъ одна, 40-ка верстная, обнимаетъ весь округъ съ сопредѣльными странами, а другая, 10-ти верстная, почти охватываетъ три коренныя области округа, а также Бухарскія владѣнія до предѣловъ Авганистана. Выборъ населенныхъ пунктовъ, нанесенныхъ на эти карты, сообразованъ съ требованіями удобочитаемости и наглядности картъ даннаго масштаба и по необходимости ограниченъ этими требованіями.

Чтобы нанести на карту всѣ мелкія населенные пункты, надлежало бы избрать масштабъ для нея не мельче 2-хъ верстнаго (а для густо-населенныхъ оазисовъ даже не мельче ½ верстнаго). Двухверстная же карта лишь для трехъ коренныхъ областей Округа, должна была бы состоять приблизительно изъ 600 отдѣльныхъ листовъ и занимала бы площадь около 25 квадратныхъ саженъ. Изданіе такой карты далеко превышаетъ средства Отдѣла.

Въ виду вышеизложеннаго я позволю себѣ высказать

Е.О.
Маціевскому.

И-361-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғмажилд. 6-варақ



предположеніе,что потребности Ташкентскаго Отдѣленія Общества Востоковѣдѣнія могли бы быть удовлетворены,хотя бы въ главныхъ чертахъ,болѣе осуществимымъ способомъ,нежели составленіе новой подробной карты Туркестана и сопредѣльныхъ странъ,а именно копированіемъ существующихъ картъ Округа,пополненіемъ ихъ кое-гдѣ отъ руки,или наконецъ въ особенно важныхъ для цѣлей Общества районахъ снятіемъ фотографическихъ копій съ подлинныхъ инструментальныхъ съемокъ крупнаго масштаба.

Чтобы удовлетворить такимъ образомъ желаніямъ Общества,я покорнѣйше просилъ бы уполномочить одного изъ его членовъ,поставивъ вѣренный мнѣ Отдѣлъ и ознакомившись съ имѣющимся въ немъ картографическимъ матеріаломъ,дать личныя объясненія,что именно и для какихъ цѣлей нужно Обществу.

Прошу Ваше Превосходительство принять увѣреніе въ моемъ совершенномъ къ Вамъ почтеніи и преданности

Вашего покорнѣйшій слуга

Дм. Тевяшов

Канцелярія Туркестанскаго Генералъ-Губернатора

Отдѣленіе III.

Января 1904 г.

№ 583.

г. Ташкентъ.

Капитану Ягелло.

Канцелярія по порученію И.д.Главнаго Начальника края имѣетъ честь препроводить Вашему Высокоблагородію рапортъ Военнаго Губернатора Сыръ-Дарьинской области отъ 12 сего Января за № 83|579 съ тремя приговорами волостныхъ выборныхъ Перовскаго уѣзда объ открытіи при русско-туземныхъ училищахъ вечернихъ курсовъ.


Дѣлопроизводитель

И.Д. Совѣтника

Дѣлопроизводитель

13/8

И-361-фонд, 1-рўйхат, 10- йиғмажилд. 6-варақ.



6

ПРЕДСѢДАТЕЛЬ
ТАШКЕНТСКАГО ОТДѢЛЕНІЯ
ОБЩЕСТВА
ВОСТОКОВѢДѢНІЯ.

сентября дня 190 9г.

№ 6

г. Ташкентъ.

ЕГО ВЫСОКОПРЕВОСХОДИТЕЛЬСТВУ

Господину Туркестанскому Генералъ-Губернатору.

Общество Востоковѣдѣнія было учреждено въ С.-Петербургѣ 29 февраля 1900 года, Ташкентское же Отдѣленіе его организовалось покойнымъ Главнымъ Начальникомъ края М.А. Ивановымъ 14 апрѣля 1901 года.


Очень сочувственно относящееся къ
Высочайше утвержденному
Обществу дѣятельность Отдѣленія за истекшіе
восемь лѣтъ выразилась въ слѣдующемъ:
I/ Въ 1902 и 1903 годахъ дѣлались попытки организовать платные вечерніе курсы
сартовскаго и персидскаго языковъ для желающихъ русскихъ, но курсы скоро прекратились вслѣдствіе недостаточнаго числа
желавшихъ обучаться восточнымъ языкамъ за
плату.

Въ 1905 г. предполагалось ввести преподаваніе сартовскаго языка въ одной изъ

Г.С. Саблин
24/IX

губернатору.

И-591-фонд, 1-рўйхат, 3- йиғмажилд. 5-варақ.



Проектъ. 5.

Уставъ Среднеазіатскаго Общества.

Глава 1-я.

Цѣли, кругъ дѣятельности и права Среднеазіатскаго Общества.

§1-й Среднеазіатское Общество имѣетъ цѣлью всесторонее изученіе Средней Азіи.

§2-й Общество собираетъ, приобѣтаетъ и распространяетъ свѣдѣнія по части исторіи, географіи, статистики, этнографіи естественныхъ богатствъ, торговли и промышленности Средней Азіи.


§3-й Для изученія страны Общество располагаетъ слѣдующими средствами:

а) изслѣдованіями самихъ членовъ общества.


б) командированіемъ и изслѣдованіями, производимыми въ краѣ.

Примѣчаніе: Всѣ лица, командируемыя правительственною выраны-

И-103-фонд, 1-рўйхат, 16- йиғмажилд..



И-103-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд. 3-варақ.



Копія.

Утверждено Г. Министромъ Государственныхъ Имуществъ 16-го Января 1885 года.

Вщ. Директоръ Департамента Земледѣлія и Сельской промышленности Свѣдѣкинъ.

Положеніе

о Туркестанскомъ Отдѣлѣ Императорскаго Россійскаго общества Садоводства.

§1. Для содѣйствія цѣлямъ Императорскаго Россійскаго общества Садоводства учреждается въ гор. Ташкентѣ, особый Отдѣлъ общества, подъ названіемъ „Туркестанскаго."

§2. Отдѣлъ, въ предѣлахъ Туркестанскаго края, преслѣдуетъ тѣ-же цѣли, какія и общество, дѣйствуя при этомъ самостоятельно. Ему предоставляется обращаться непосредственно къ главному мѣстному начальству съ ходатайствомъ о мѣрахъ, признанныхъ полезными для развитія садоводства въ краѣ.

§3. Туркестанскій Отдѣлъ руководя-

АЗИЗБЕК НАЗАРОВ

ТУРКИСТОНДА ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН ИЛМИЙ ЖАМИЯТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИДАГИ ФОНДЛАРИ

Муҳаррир: С. Абдунабиева
Бадиий муҳаррир: К. Бойхўжаев
Саҳифаловчи: А. Мухаммадиев

Нашр. литц № 0038.
Босишга рухсат этилди 06.04.2021 й.
Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. Офсет қоғози. ‘‘Times New Roman’’
гарнитураси. Ҳисоб-нашр табоғи. 2,5.
Адади 100 дона. Буюртма № 16.

«DAVR MATBUOT SAVDO» босмахонасида чоп этилди.
100198, Тошкент, Қўйлиқ 4 мавзе, 46.